

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ**

*(Қонун ҳужжатлари)*

**Расмий нашр**

**Тошкент  
«Адолат»  
2007**

**ББК 67.401(5У)**

**Ў 32**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотлари (Қонун ҳужжатлари). — Т.: (расмий нашр), «Адолат», 2007 й. 176 бет.

**ББК 67.401(5У)**

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази

© «Адолат» нашриёти

ISBN978-9943-332-42-3

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 266-модда; 1996 йил,  
5–6-сон, 63-модда, 9-сон, 120-модда; 1998 йил, 9-сон,  
163-модда; 2000 йил, 7–8-сон, 202-модда; 2003 йил,  
9–10-сон, 140, 149-моддалар; 2005 йил, 1-сон, 18-модда;  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг  
Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 250-модда)*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари меҳнат ва жанговар хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун давлат мукофотлари билан тақдирланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси учун хизмат кўрсатган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирланишлари мумкин.

**2-модда.** «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари, фахрий унвонлари ва Фахрий ёрлиғи давлат мукофотлари ҳисобланади.

**3-модда.** Давлат мукофотлари Олий Мажлис томонидан таъсис этилади.

Давлат мукофотларига доир низомлар ва уларнинг тавсифлари Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

**4-модда.** Давлат мукофотлари билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти тақдирлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини давлат мукофотлари билан тақдирлаш Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

**5-модда.** Давлат мукофотлари гувоҳномаларининг

намуналари, давлат мукофотларига тақдим этиш ва уларни топшириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тасдиқланади.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президентига давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир тақдимнома Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси Спикери, Олий Мажлиснинг Сенати Раиси, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд Раиси, Олий суд Раиси, Олий ҳўжалик суди Раиси, Бош прокурор, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, идоралар ва жамоат бирлашмалари республика органларининг раҳбарлари томонидан киритилади. Чет эл фуқароларини тақдирлашга доир тақдимнома Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда киритилади.

**7-модда.** Бир шахс айни бир орден, медаль ёки Фахрий ёрлиқ билан, қоида тариқасида, бир марта тақдирланади.

Фахрий унвонлар такроран берилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш шахснинг вафотидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин.

**8-модда.** Фуқаролар навбатдаги мукофотга аввал мукофот билан тақдирланган вақтидан кейин камида уч йил ўтгач тақдим этиладилар. Фавқулудда ҳолларда фуқаролар навбатдаги мукофотга аввал тақдирланган вақтидан қатъи назар тақдим этилишлари мумкин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги фармонлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

**10-модда.** «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони олий даражадаги мукофот бўлиб, фақат бир марта берилади.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган шахсларга «Олтин Юлдуз» медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат топширилади.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикаси орденлари куйидагилардан иборат:





- «**Мустақиллик**» ордени;
- «**Амир Тему**р» ордени;
- «**Жалолиддин Мангуберди**» ордени;
- «**Буюк хизматлари учун**» ордени;
- «**Эл-юрт ҳурмати**» ордени;
- «**Фидокорона хизматлари учун**» ордени;
- «**Меҳнат шуҳрати**» ордени;
- I ва II даражали «**Соғлом авлод учун**» ордени;
- I ва II даражали «**Шон-шараф**» ордени;
- «**Дўстлик**» ордени.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг медаллари қуйидагилардан иборат:

- «**Олтин Юлдуз**» медали;
- «**Жасорат**» медали;
- «**Содиқ хизматлари учун**» медали;
- «**Шуҳрат**» медали.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари берилган шахсларга белгиланган намунадаги кўкрак нишони ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат топширилади.

**14-модда.** Орденлар, медаллар ва бошқа мукофотларнинг нишонларини тақиб юриш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**15-модда.** Давлат мукофотлари билан фуқаролар билан бир қаторда айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий birlikлари ҳам мукофотланиши мумкин.

**16-модда.** Давлат мукофотлари билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёزلардан фойдаланадилар ҳамда бир марта бериладиган пул мукофоти ёки шу қийматдаги эсдалик совгасини оладилар.

**17-модда.** Давлат мукофотлари билан тақдирланган шахслар мукофотлар сақланишини таъминлашлари лозим.

Давлат мукофотлари, шунингдек уларга доир ҳужжатлар



йўқолган тақдирда, тақдирланганлар мукофотларга нисбатан ўз ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Давлат мукофотлари танг аҳволга тушиш натижасида йўқотилган тақдирда истисно тариқасида орденлар, медаллар ва кўкрак нишонларининг аслига тенг нусхалари берилиши мумкин.

Мукофот билан тақдирланганлик тўғрисидаги ҳужжатлар, шунингдек Фахрий ёрлиқ йўқолган тақдирда уларнинг аслига тенг нусхалари белгиланган тартибда берилади.

**18-модда.** Давлат мукофотларидан:

шахс оғир жиноят содир этгани учун ҳукм қилинганида — суднинг қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдаги тақдимномасига биноан;

шахе ўз шаънини бадном этувчи хатти-ҳаракатлар содир этганида — тақдирлаш тўғрисида тақдимнома киритиш ҳуқуқига эга бўлган органнинг тақдимномасига биноан маҳрум этилади.

Давлат мукофотларидан маҳрум бўлганлик, белгиланган имтиёزلардан ҳам маҳрум қилинишига сабаб бўлади.

Давлат мукофотларидан маҳрум этилган шахсга қаршли давлат мукофоти ва мукофотга доир ҳужжат қайтарилиши лозим.

**19-модда.** Ноқонуний ҳукм қилинган ва тўла оқланган фуқароларнинг давлат мукофотларига нисбатан ҳуқуқлари тегишли органларнинг илтимосномасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тикланиши мумкин.

**20-модда.** Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетаётган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларига қаршли бўлган давлат мукофотлари ва уларга доир ҳужжатларни ўзлари билан олиб кетиш ҳуқуқига эгадирлар.

Таркибида қимматбаҳо металллар бўлган давлат мукофотларини олиб чиқиб кетиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилади.



**21-модда.** Орден, медаль, фахрий унвонга доир кўкрак нишонини ноқонуний равишда тақиб юриш, сотиб олиш, сотиш, алмашиш ёки ўзга тарзда ҳақ эвазига бировга бериш қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

**22-модда.** Ташқи кўриниши давлат мукофотларига ўхшаш бўлган кўкрак нишонларини таъсис этиш ва тайёрлаш тақиқланади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1995 йил 22 декабрь,  
176-1-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

### **«ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ОЛИЙ НИШОН — «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1994 йил, 5-сон, 113-модда;  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 141-модда;  
2005 йил, 1-сон, 18-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилди:

1. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони белгилансин ва олий нишон — «Олтин Юлдуз» медали таъсис этилсин.
2. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. «Олтин Юлдуз» медалининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1994 йил 5 май,  
1038—XII-сон

1994 йил 5 майда қабул қилинган  
Ўзбекистон Республикаси  
Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

## **«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони тўғрисидаги НИЗОМ**

1. **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони олий даражадаги мукофот бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона жасорат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлари учун берилади.

**«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам берилиши мумкин.

2. **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади. Унвон бериш тўғрисидаги Фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентига **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони бериш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

3. **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвонини бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар раҳбарларининг ҳамда жамоат бирлашмалари республика органларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

4. **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони билан тақдирланган шахсга «Олтин Юлдуз» медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжат топширилади.

5. «**Олтин Юлдуз**» медалини тантанали ва кенг ошкоралик вазиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири топширади.

6. «**Ўзбекистон Қаҳрамони**» унвони билан тақдирланган шахслар ойлик иш ҳақига ёки пенсияга қўшимча равишда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида ой сайин тўланадиган устама мукофот оладилар.

«**Ўзбекистон Қаҳрамони**» унвони билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа имтиёزلардан ҳам фойдаланадилар.

7. «**Олтин Юлдуз**» медали кўкракнинг чап томонига орден ва медаллардан юқориққа тақилади.

8. «**Ўзбекистон Қаҳрамони**» унвонини такроран бериш мумкин эмас.

9. «**Ўзбекистон Қаҳрамони**» унвони вафотидан кейин берилган тақдирда «Олтин Юлдуз» медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат мукофотланганнинг оиласига топширилади.

1994 йил 5 майда қабул қилинган  
Ўзбекистон Республикаси  
Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Олтин Юлдуз» медалининг тавсифи**

«Олтин Юлдуз» медали 585 даражали (пробали) олтин қотишмасидан тайёрланади ва олд томонида ҳар бир қиррасининг икки ёнбағридан олтин нурлар таралган саккиз қиррали юлдуз шаклида бўлади. Юлдузнинг қарама-қарши жойлашган учларининг ораси 32 миллиметр. Медаль марказидаги диаметри 8 миллиметрли сатҳга жо бўлган доира ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рамзига монанд ярим ой ва беш қиррали юлдуз жойлашган. Ярим ой жо бўлган сатҳ айланасининг диаметри 6 миллиметр, беш қиррали юлдуз жо бўлган сатҳ айланасининг диаметри эса 3 миллиметрдир.

Медалнинг орқа томони марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби жойлашган. Гербнинг пастидаги нурга медалнинг рақами 1 миллиметр катталиқдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Медаль ёнлари ўйиқ тўғри тўртбурчак шаклида ишланган, ўлчами 16x25 миллиметрли кумуш қадагич (колодка)га кумушдан ишланган илмоқча ва ҳалқа ёрдамида уланади. Қадагичнинг қисмлари ва ҳалқа 0,25 микрон қалинликдаги тилла билан қопланган.

Қадагичнинг ички қисми республика Давлат байроғининг рангидаги йўл-йўл зардўзи мато (лента) билан қопланган. Матонинг катталиги — 11x20 миллиметр.

Қадагичнинг орқа томонида тақма тўғноғич бор.

Медаль оғирлиги — 12,5 грамм.





«Олтин Юлдуз» медали



## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

### **«МУСТАҚИЛЛИК» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1994 йил, 5-сон, 115-модда;  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1997 йил, 4–5-сон, 126-модда;  
2003 йил, 9–10-сон, 149-модда;  
2005 йил, 1-сон, 18-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «**Мустақиллик**» ордени таъсис этилсин.
2. «**Мустақиллик**» ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. «**Мустақиллик**» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1994 йил 5 май,  
1040–XII-сон

1994 йил 5 майда қабул қилинган  
Ўзбекистон Республикаси  
Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Мустақиллик» ордени тўғрисидаги  
НИЗОМ**

1. **«Мустақиллик»** ордени билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни мустақкамлашга, республикада тинчлик ва тараққиётни таъминлашга қўшган улкан ҳиссалари учун мукофотландилар.

**«Мустақиллик»** ордени билан айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. **«Мустақиллик»** ордени билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти мукофотлайди. Орден билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини **«Мустақиллик»** ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

3. **«Мустақиллик»** ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг ҳамда жамоат бирлашмалари республика органларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

4. **«Мустақиллик»** орденини ва бу мукофотга оид тегишли ҳужжатни тантанали ва кенг ошкоралик вазиятида Ўзбекистон

Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири топширади.

5. «**Мустақиллик**» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш карраси миқдоридан бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

«**Мустақиллик**» ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёزلардан фойдаланадилар.

6. «**Мустақиллик**» ордени кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

7. «**Мустақиллик**» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

1994 йил 5 майда қабул қилинган  
Ўзбекистон Республикаси  
Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Мустақиллик» орденининг  
ТАВСИФИ**

**«Мустақиллик»** ордени 1 микрон қалинликда олтин қопланган 925 даражали (пробали) кумушдан тайёрланади. Орден икки ён бағридан зарҳал нур таралган саккиз қиррали мусамман кўринишида бўлади. Икки ён бағридан таралган нурларнинг юзасида диаметри 2 миллиметрли 46 та фианит бор. Мусамманнинг бурчаклари орасида ёқутранг эмаль қопланган тарам-тарам бўлиб таралаётган нурлар жойлашган. Мусамманнинг қарама-қарши учлари орасидаги масофа — 57 миллиметр. Нурлар жо бўлган айлананинг диаметри — 52 миллиметр.

Орденнинг марказида мустақиллик рамзи бўлмиш Ҳумо қуши кумуш рангда тасвирланган. Ҳумо қуши ортидаги рангли эмалдан ишланган манзара Ўзбекистоннинг жозибаси ва саховатини акс эттиради.

Ҳумо қушини ўраб турган айлананинг юқори қисмида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рамзи — ярим ой ва юлдузни ўз ичига олган мовий мусамман тасвирланган. Мусамман жо бўлган майдоннинг диаметри — 10,5 миллиметр, ярим ой ҳамда беш қиррали юлдуз жо бўлган майдонларининг диаметрлари тегйшлича — 5 миллиметр ва 2,6 миллиметр. Айлананинг тепа қисмида ўн икки инсоний фазилат рамзи бўлган, диаметри 2,5 миллиметрли ўн иккита ёқут тош бор. Айлананинг чеккалари ҳар икки томондан 1 миллиметр қалинликда мовий эмалдан ишланган қабарик ҳошия билан ўралган. Айлананинг диаметри 36 миллиметр, қалинлиги 6 миллиметрدير.

Айлананинг пастки қисмида оқ рангли эмалдан ишланган




манзарада ёқутранг эмаль билан қопланган «**MUSTAQILLIK**» деган ёзув бор. Ҳарфларнинг баландлиги — 2,7 миллиметр.

Орденнинг орқа томони ботиқ бўлиб, марказида орденни тақиш учун бурама штифт ва мурват бор.

Пастки қисмида орденнинг рақами 1 миллиметр катталиклдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Орденнинг қалинлиги — 8 миллиметр.

Орденнинг оғирлиги — 60,5 грамм.





*«Мустақиллик» ордени*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### «АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 5–6-сон, 63-модда; 1997 йил,  
4–5-сон, 126-модда; 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «Амир Темур» ордени таъсис этилсин.
2. «Амир Темур» ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. «Амир Темур» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).
4. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда) 11-моддасининг «Мустақиллик» ордени» деган сўзларидан кейин «Амир Темур» ордени» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
1996 йил 26 апрель,  
225–I-сон

## **«Амир Темуր» ордени тўғрисидаги НИЗОМ**

1. **«Амир Темуր»** ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлатчиликни мустақкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссалари учун мукофотланадилар. **«Амир Темуր»** ордени билан давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустақкамлаш ишига алоҳида ҳисса қўшганлик учун ҳам тақдирланадилар.

**«Амир Темуր»** ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. **«Амир Темуր»** ордени билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва орденни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3. **«Амир Темуր»** ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг етмиш карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти олади.

**«Амир Темуր»** ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёزلардан фойдаланадилар.

4. **«Амир Темуր»** ордени кўкракнинг ўнг томонига «Мустақиллик» орденидан кейин тақилади.

5. **«Амир Темуր»** ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла бериладиган пул тўлови мукофотланганнинг оиласига топширилади.





## «Амир Тему́р» орденининг ТАВСИФИ

«Амир Тему́р» ордени 1 микрон қалинликдаги олтин қопланган 925 даражали (пробали) кумушдан тайёрланади ва икки ён бағридан нурлар таралган саккиз қиррали мусамман кўринишида бўлади. Мусамманнинг бурчаклари орасида яшилранг эмаль қопланган тарам-тарам бўлиб таралаётган нурлар жойлашган. Мусамманнинг қарама-қарши учлари орасидаги масофа — 57 миллиметр. Нурлар жо бўлган айлананинг диаметри — 52 миллиметр.

Орденнинг марказида от минган Амир Тему́рнинг қиёфаси кумуш рангда тасвирланган. Отлиқ ортидаги рангли эмалдан ишланган манзара мовий рангда.

Отлиқ қиёфасини ўраб турган айлананинг юқорисида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рамзи — ярим ой ва юлдузни ўз ичига олган мовий мусамман тасвирланган. Мусамман жо бўлган майдоннинг диаметри — 10,5 миллиметр. Ярим ой ҳамда беш қиррали юлдуз жо бўлган майдонларининг диаметрлари тегишлича — 5,0 миллиметр ва 2,6 миллиметр. Айлананинг юқори қисмида оқ рангли эмаль манзарада «**AMIR TEMUR**» ёзуви битилган бўлиб, у ёқутранг эмаль билан қопланган. Ҳарфларнинг баландлиги — 2,5 миллиметр. Айлана бошдан охиригача маржонли нақшлар билан ўралган. Айлананинг диаметри — 36 миллиметр, қалинлиги — 6 миллиметр.

Айлананинг пастки қисмида оқ рангли эмаль манзарада мовий эмалдан ишланган «**KUCH — ADOLATDA**» сўзлари битилган. Ҳарфларнинг баландлиги — 3 миллиметр. Айлананинг чеккалари ҳар икки томондан 1 миллиметр қалинликдаги қизил эмалдан ишланган қабарик ҳошия билан ўралган.

Айланаларнинг юқори ва пастки қисмлари диаметри 2,7 миллиметрли иккита ёқут тош билан ажратилган.

Орденнинг орқа томони ботиқ бўлиб, марказида орденни тақийш учун бурама шпифт ва мурват бор.

Пастки қисмида орденнинг тартиб рақами 1 миллиметр катталиқдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Орденнинг қалинлиги — 8 миллиметр.

Орденнинг оғирлиги — 60,5 грамм.





*«Амир Темур» ордени*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

### **«ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2000 йил, 7–8-сон, 202-модда;  
2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. **«Жалолиддин Мангуберди»** ордени таъсис этилсин.
2. **«Жалолиддин Мангуберди»** ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. **«Жалолиддин Мангуберди»** орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).
4. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5–6, 63-модда, № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда) «Амир Темур» ордени» деган сўзлардан сўнг «Жалолиддин Мангуберди» ордени» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2000 йил 30 август,  
110–II-сон

## «Жалолiddин Мангуберди» ордени тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Жалолiddин Мангуберди» ордени билан мамлакат мустақиллигини, Ватан сарҳадларини, она юрт тупроғини ҳимоя қилишда ҳамда уни кўз қорачигидай асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган қўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар мукофотландилар.

2. «Жалолiddин Мангуберди» ордени Ўзбекистон Республикасининг олий ҳарбий мукофоти ҳисобланади.

3. «Жалолiddин Мангуберди» ордени билан мукофотлашга доир тақдимнома мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасалари республика органларининг раҳбарлари томонидан киритилади.

4. «Жалолiddин Мангуберди» ордени билан мукофотлаш ва ордени топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

5. «Жалолiddин Мангуберди» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг олтимиш беш карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

«Жалолiddин Мангуберди» ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلардан фойдаланадилар.

6. «Жалолiddин Мангуберди» ордени кўкракнинг ўнг томонига, Амир Темур орденидан кейин тақилади.

7. «Жалолiddин Мангуберди» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла бериладиган пул тўлови мукофотланганнинг оиласига топширилади.



**«Жалолиддин Мангуберди» орденининг  
ТАВСИФИ**

**«Жалолиддин Мангуберди»** ордени 925 пробали кумушдан тайёрланади, қиррадор кумушранг нурлар таралган бешбурчак шаклга эга. Бешбурчак жо бўлган доиранинг диаметри 55 миллиметрdir.

Орденнинг марказида, оқ айлана билан ҳошияланган доирада, таралаётган нурлар фонида Жалолиддин Мангубердининг қабарик зарҳал тасвири жойлашган. Сиймо ортидаги фон ҳаворанг-мовий эмаль билан қопланган.

Айлананинг юқори қисмида доира бўйлаб **«JALOLIDDIN MANGUBERDI»** деган ёзув жойлашган. Айлананинг сирт диаметри 35 миллиметр.

Айлананинг пастки қисмида яшил эмаль қопланган иккита дафна новдаси симметрик тарзда жойлашган бўлиб, барглари орасига фианит кристаллар ўрнатилган.

Айлана узра, марказ бўйлаб ўлчами бўйича диаметри 8 миллиметрли доирага жо бўладиган тилларанг мусамман жойлашган.

Орденнинг орқа томони ботиқ. Ўртасида бурама қадагичи бор. Пастки қисмида орденнинг тартиб рақами 1 миллиметр катталиқдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.



*«Жалолиддин Мангуберди» ордени*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

### **«БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 119-модда; 1997 йил,  
4–5-сон, 126-модда; 2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «**Буюк хизматлари учун**» ордени таъсис этилсин.
2. «**Буюк хизматлари учун**» ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. «**Буюк хизматлари учун**» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1996 йил 29 август,  
254–I-сон

## **«Буюк хизматлари учун» ордени тўғрисидаги НИЗОМ**

1. **«Буюк хизматлари учун»** ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда хорижий давлатларнинг фуқаролари фан ва техникани, иқтисодиёт ва маданиятни ривожлантиришдаги катта хизматлари, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини оширишга қаратилган ички ва ташқи сиёсатни амалга ошириш ишига сезиларли ҳисса қўшганлиги учун тақдирланадилар.

2. **«Буюк хизматлари учун»** ордени билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва орденни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3. **«Буюк хизматлари учун»** ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг олтмиш карраси миқдорида бир марта бериладиган пул мукофоти ёки шу суммага тенг эсдалик совгасини оладилар.

**«Буюк хизматлари учун»** ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёزلардан фойдаланадилар.

4. **«Буюк хизматлари учун»** ордени муҳайяр лентага биркитилиб, кўкракка тақиб юрилади.

5. **«Буюк хизматлари учун»** ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир марта бериладиган пул тўлови мукофотлангanning оиласига топширилади.



**«Буюк хизматлари учун» орденининг  
ТАВСИФИ**

**«Буюк хизматлари учун»** ордени 1 микрон қалинликдаги олтин қопланган 925 даражали (пробали) кумушдан тайёрланади ва саккиз қиррали мусамман кўринишида бўлиб, унинг қирралари ёқутрангда тайёрлангандир. Мусамманнинг бурчаклари орасида мовийранг эмаль қопланган тарам-тарам бўлиб таралаётган нурлар жойлашган. Мусамманнинг қарама-қарши учлари орасидаги масофа — 57 миллиметр. Нурлар жо бўлган айлананинг диаметри — 52 миллиметр.

Орден марказида битта умумий марказга эга бўлган, диаметрлари 36 ва 24 миллиметрли иккита айлана жойлашган. Ички айланада рамзий тарзда тасвирланган мовий рангдаги ер курраси фонида Ўзбекистон Республикаси харитаси тилла рангда тасвирланган. Ташқи ва ички айланалар ўртасида, юқори қисмида оқ эмаль фонида кумуш рангдаги **«BUYUK XIZMATLARI UCHUN»** ёзуви жойлашган. Ҳарфларнинг баландлиги — 3 миллиметр. Айлананинг пастки қисмида яшил рангдаги иккита бирлаштирилган дафна новдалари жойлаштирилган.

Орден оралиқ колодка ва ҳалқалар ёрдамида муҳайяр лентага бириктирилган. Тилларанг оралиқ колодка чиқиб келаётган қуёш фонидagi Ҳумо қуши тасвири кўринишида. Колодканинг эни — 45 миллиметр, баландлиги — 30 миллиметр. Муҳайяр лента йўл-йўл қизил, мовий, оқ ва яшил ранглардан иборат.

Орденнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган. Пастки қисмида орденнинг рақами 1 миллиметр катталиқдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Орденнинг қалинлиги — 8 миллиметр.

Орденнинг оғирлиги — 65 грамм.





*«Буюк хизматлари учун» ордени*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 163-модда;  
1999 йил, 1-сон, 20-модда; 2000 йил, 5–6-сон, 153-модда;  
2003 йил, 9–10-сон, 149-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилди:**

1. «Эл-юрт ҳурмати» ордени таъсис этилсин.
2. «Эл-юрт ҳурмати» ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. «Эл-юрт ҳурмати» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).
4. 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил № 5–6, 63-модда; № 9, 120-модда) «Буюк хизматлари учун» ордени» деган сўзлардан сўнг «Эл-юрт ҳурмати» ордени» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
1998 йил 28 август,  
664–I-сон

## «Эл-юрт ҳурмати» ордени тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мамлакат мустақиллигини, унинг йқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотландилар.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланишлари мумкин.

2. «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва уни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3. «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг элик карраси миқдоридан бир йўла пул мукофотини оладилар. «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلардан фойдаланадилар.

4. «Эл-юрт ҳурмати» ордени кўкракнинг чап томонига тақиб юрилади.

5. «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

**«Эл-юрт ҳурмати» ордени**  
**ТАВСИФИ**

**«Эл-юрт ҳурмати»** ордени 1 микрон қалинликдаги тилла қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланади, у икки ёқлама нурлар таралувчи саккиз қиррали юлдуз шаклида бўлади. Юлдуз бурчаклари орасида мовий рангдаги шаффоф эмаль қопланган, таралувчи нур тутамлари жойлашган. Юлдузнинг қарама-қарши қирралари оралиги 52 миллиметр. Нурларни ўз ичига олган доира диаметри — 49 миллиметр.

Орденнинг марказида, доирада қизил рангли йўл билан ҳошияланган Регистон архитектура мажмуи тасвирланган. Унинг орқасида, фон билан берилган, рангли эмаль қопланган водийлар ва тоғлар, улар узра эса мовий осмон фонида чиқиб келаётган қуёш тасвирланган. Бутун тасвир шаффоф эмаль билан қопланган бўлиб, у тасвир узра ярим доира сегментини ташкил этади.

Тасвир атрофи айлана билан ҳошияланган бўлиб, айлананинг юқори қисмида, оқ фонда **«EL-YURT HURMATI»** деган ёзув, айлананинг пастки қисмида яшил шаффоф эмаль билан қопланган дафна новдаси жойлашган.

Орқа томонининг пастки қисмида орденнинг тартиб рақами 1 миллиметр катталиқдаги ботиқ шрифт билан ёзиёлиқ.

Орден Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ранглиридаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.



*«Эл-юрт ҳурмати» ордени*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2003 йил, 9–10-сон, 140-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. «Фидокорона хизматлари учун» ордени таъсис этилсин.
2. «Фидокорона хизматлари учун» ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. «Фидокорона хизматлари учун» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).
4. 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5–6, 63-модда, № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда; 2000 йил, № 7–8, 202-модда) 11-моддаси «Эл-юрт ҳурмати» ордени» деган сўзлардан кейин «Фидокорона хизматлари учун» ордени» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
2003 йил 29 август,  
526–II-сон

**«Фидокорона хизматлари учун»  
ордени тўғрисидаги  
НИЗОМ**

1. **«Фидокорона хизматлари учун»** ордени билан мамлакатнинг иқтисодий ва маданий юксалишига, мудофаа қудратини кучайтириш ва миллий хавфсизлигини таъминлашга, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, халқ фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшган, ўзининг истеъдоди, билим ва тажрибасини Ватанимиз равнақига бахш этиб, фидойилик намунасини кўрсатиб келаётган фуқаролар ва ҳарбий хизматчилар мукофотланади.

**«Фидокорона хизматлари учун»** ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. **«Фидокорона хизматлари учун»** ордени билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва орденни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3. **«Фидокорона хизматлари учун»** ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг қирқ беш карраси миқдоридан бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган имтиёزلардан фойдаланадилар.

4. **«Фидокорона хизматлари учун»** ордени кўкракнинг чап томонига тақилади.

5. **«Фидокорона хизматлари учун»** ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.





**«Фидокорона хизматлари учун» орденининг  
ТАВСИФИ**

**«Фидокорона хизматлари учун»** ордени 1 микрон қалинликдаги олтин қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланади ҳамда саккиз қиррали ёқут рангли юлдуз шаклида бўлади. Юлдуз бурчаклари орасида оқ эмаль қопламаси узра таралаётган нурлар акс этган. Юлдузнинг қарама-қарши қирралари оралиги — 52 миллиметр.

Орденнинг марказидаги доирада тилла рангдаги Хумо қуши тасвирланган. Унинг ортида — марказдан юқорироқдаги мовий манзара бағрида Ўзбекистон Республикасининг олтинранг харитаси жойлашган.

Тасвир атрофидаги оқ эмалли ҳошия узра олтин рангдаги ҳарфлар билан **«FIDOKORONA XIZMATLARI UCHUN»** сўзлари ёзилган.

Орденнинг қуйи қисмида оқ рангли пахта чаноқлари ва тилла рангли буғдой бошоқлари тасвирланган.

Орқа томонининг пастки қисмида орденнинг тартиб рақами 1 миллиметр катталиқдаги ботик шрифт билан ёзилиқ.

Орден Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ранглиридаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.



*«Фидокорона хизматлари учун» ордени*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

### **«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1995 йил, 9-сон, 190-модда; 2005 йил,  
1-сон, 18-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «**Меҳнат шуҳрати**» ордени таъсис этилсин.
2. «**Меҳнат шуҳрати**» ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. «**Меҳнат шуҳрати**» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1995 йил 30 август,  
115–I-сон

## «Меҳнат шўҳрати» ордени тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Меҳнат шўҳрати» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистонда иқтисодиёт ва маданият юксалишига, халқ фаровонлиги ошишига, тинчлик ва барқарорлик сақланишига хизмат қиладиган улкан ишлари учун мукофотланадилар.

Мустасно ҳолларда «Меҳнат шўҳрати» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «Меҳнат шўҳрати» ордени билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти мукофотлайди. Орден билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини «Меҳнат шўҳрати» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

3. «Меҳнат шўҳрати» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг, жамоат бирлашмалари республика органларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

4. «Меҳнат шўҳрати» орденини ва бу мукофотга оид тегишли ҳужжатни тантанали ва кенг ошкоралик вазиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий



Мажлиснинг Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, шунга вакил қилинган бошқа шахслар топширади.

5. «**Меҳнат шўхрати**» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг қирқ карраси миқдоридан бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёزلардан фойдаланадилар.

6. «**Меҳнат шўхрати**» ордени кўкракнинг чап томонига тақилади.

7. «**Меҳнат шўхрати**» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

...

## «Меҳнат шuhrати» орденининг ТАВСИФИ

«Меҳнат шuhrати» ордени 0,25 микрон қалинликда тилла қопланган кумушдан тайёрланади:

Орден марказ қисмидан нурлар таралиб турган яшил дафна новдалари билан ўралган бўртма нотўғри эллипс шаклидадир.

Орденнинг юқори қисмида ҳилпираб турган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган. Орденнинг бўйи 46 миллиметр, эни — 41 миллиметр.

Орденнинг марказида, диаметри 16 миллиметрли кумуш ранг доира ичида, кўёш фонида кумуш рангда Тошкент шаҳридаги Халқлар дўстлиги саройи тасвирланган. Доира оқ эмаль билан қопланган пахта чаноқлари ва диаметри 29 миллиметрли тишли филдиракча билан ҳошияланган. Пастда кумуш ранг ҳошияли қизил ёқут рангдаги фонда «**MEHNAT SHUHRATI**» деган кумуш ранг ёзув бор. Ҳарфларнинг бўйи 2 миллиметр.

Орденнинг орқа томони ботиқ шаклда. Пастда 1 миллиметр катталиқдаги шрифтда орденнинг тартиб рақами ёзилган.

Орден эни 24 миллиметрли рангдор йўл-йўл шойи мато (лента) сирилган беш қиррали қадағич (колодка)га ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади. Сарик йўлнинг эни 3 миллиметр, қизил йўлнинг эни 8,8 миллиметр, ҳаво ранг йўлнинг эни 4,8 миллиметр, яшил йўлнинг эни 4 миллиметр, четдаги сарик йўлнинг эни 3,2 миллиметр. Ҳаворанг ва яшил йўллар бири-биридан эни 0,2 миллиметрли оқ йўл билан ажратилган.

Қадағичнинг бўйи 48 миллиметр, эни 46 миллиметр.

Орден тўғноғич билан тақилади.



*«Меҳнат шухрати» ордени*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 йил, 6-сон, 257-модда;  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 141-модда; 2003 йил,  
9–10-сон, 149-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикасининг биринчи ва иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилсин.
2. «Соғлом авлод учун» ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.
3. Биринчи ва иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» орденининг тасвири тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
1993 йил 7 май,  
873–XII-сон



Ўзбекистон Республикасининг  
1993 йил 7 май Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Соғлом авлод учун» ордени тўғрисида  
НИЗОМ**

1. **«Соғлом авлод учун»** ордени билан кишилар оналик ва болаликни муҳофаза қилишдаги, соғлом авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни таъминлашдаги алоҳида хизматлари учун мукофотланадилар.

**«Соғлом авлод учун»** ордени билан Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган кишилар ҳам мукофотланишлари мумкин.

2. **«Соғлом авлод учун»** ордени икки даражадан иборат бўлади:

I даражали **«Соғлом авлод учун»** ордени;

II даражали **«Соғлом авлод учун»** ордени.

I даражали орден юқори даражали ҳисобланади. Мукофотлаш, қоида тариқасида, қуйидаги тартибда: аввал II даражали, орадан камида уч йил ўтганидан кейин I даражали орден билан тақдирлаш тарзида амалга оширилади.

3. I даражали **«Соғлом авлод учун»** ордени билан кишилар оналик ва болаликни муҳофаза қилишда, инсон экологиясини яхшилашда, жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни, ватанпарварлик ҳамда ўз Ватани — мустақил Ўзбекистонга ҳар томонлама содиқлик ва ундан фахрланиш олий туйғуларини тарбиялашда, оналик ва болаликни таъминлаш учун муносиб моддий ва маънавий замин яратишда Ўзбекистон давлати ва халқи олдидаги жуда катта хизматлари учун мукофотланадилар.

II даражали **«Соғлом авлод учун»** ордени билан соғлом авлодларни камол топтириш ишига катта ҳисса қўшган, оналик ва болалик тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилувчи

кишилар, ногирон ва етим болаларнинг васийлари, болалар ва оналикка нисбатан мунтазам олий хайр-эҳсон кўрсатувчи жамоат ташкилотлари, хўжалик тузилмаларининг вакиллари мукофотландилар.

4. I даражали **«Соғлом авлод учун»** ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг қирқ карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар

5. II даражали **«Соғлом авлод учун»** ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг йигирма беш карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

II даражали ёки II ва I даражали **«Соғлом авлод учун»** ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلардан фойдаланадилар.

6. I ва II даражали **«Соғлом авлод учун»** ордени билан мукофотлаш тўғрисида вазирликлар ва идоралар, фан ва маданият муассасалари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқади.

7. **«Соғлом авлод учун»** ордени билан бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳам мукофотланишлари мумкин.

8. I ва II даражали **«Соғлом авлод учун»** ордени кўкракнинг чап томонига тақилади.

9. Ҳар бир мукофотланган кишига тегишли даражали **«Соғлом авлод учун»** орденини топшириш билан бир вақтда мукофотланганлик тўғрисидаги ҳужжатлар берилади.

10. **«Соғлом авлод учун»** орденининг даражаларидан қатъи назар бу орден билан такроран мукофотланилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг  
1993 йил 7 май Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Биринчи ва иккинчи даражали  
«Соғлом авлод учун» орденининг  
ТАСВИРИ**

1. I даражали «Соғлом авлод учун» ордени олтин суви югуртирилган металдан тайёрланиб, 34 мм. диаметрадаги тўғри доира шаклига эга. Орденининг ўнг қисмида қуёшнинг илиқ нурлари аксида она ва боланинг қавариқли тасвири туширилган. Орденининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси гербининг қавариқли тасвири ва доира бўйлаб «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» сўзлари ёзилган. Доиранинг юқори қисмида 12 та юлдуз тасвирланган. Ордени орқа томонининг четлари бўртма ҳошияланган.

Ордени илмоқ ва ҳалқа ёрдамида ёнлари кумуш суви югуртирилган даста билан бириктирилади. Дастанинг ички қисми яшил рангли товланадиган лента билан ўралган. Лентанинг ўртасида олтинранг ўрик дарахтининг гуллаб турган шохи ўйиб ишланган.

2. II даражали «Соғлом авлод учун» ордени кумуш сув югуртирилган металдан тайёрланади. Ордени илмоқ ва ҳалқа ёрдамида ёнлари ўйма олтинранг даста билан бириктирилади. Дастанинг ички қисми кумуш рангли товланадиган лента билан ўралган. Лентанинг ўртасида кумушранг ўрик дарахтининг гуллаб турган шохи ўйиб ишланган.



*I даражали «Соғлом авлод учун» ордени*



*II даражали «Соғлом авлод учун» ордени*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

### **«ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1995 йил, 9-сон, 191-модда;  
2005 йил, 1-сон, 18-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. **«Шон-шараф»** ордени таъсис этилсин.
2. **«Шон-шараф»** ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. I ва II даражали **«Шон-шараф»** орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1995 йил 30 август,  
116–I-сон

## «Шон-шараф» ордени тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Шон-шараф» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ватанни ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилик ва мардлик учун, Ўзбекистонда мудофаа қудратини ва миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш, қуролли кучларнинг жанговор тайёргарлигини ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ишидаги катта хизматлари учун мукофотланадилар.

Мустасно ҳолларда «Шон-шараф» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «Шон-шараф» ордени икки даражадан иборат бўлади:

I даражали «Шон-шараф» ордени,

II даражали «Шон-шараф» ордени.

Орденнинг олий даражаси I даражадир. Мукофотлаш, қоида тариқасида, камида уч йил оралатиб: II даражали ва I даражали навбатида амалга оширилади.

3. «Шон-шараф» ордени билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти мукофотлайди. Орден билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини «Шон-шараф» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

4. «Шон-шараф» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

5. «Шон-шараф» ордени ва бу мукофотга оид тегишли ҳужжатни тантанали ва кенг ошкоралик вазиятида Ўзбекистон

Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик жизмати раиси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг Раиси, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокими, шунга вакил қилинган бошқа шахслар топширади.

6. II даражали «**Шон-шараф**» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг йигирма карраси миқдоридан бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

I даражали «**Шон-шараф**» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг қирқ карраси миқдоридан бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

II даражали ёки II ва I даражали «**Шон-шараф**» ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёزلардан фойдаланадилар.

7. «**Шон-шараф**» ордени кўкракнинг чап томонига тақилади.

8. «**Шон-шараф**» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.



## I даражали «Шон-шараф» орденининг ТАВСИФИ

I даражали «Шон-шараф» ордени 0,25 микрон қалинликда тилла қопланган кумушдан тайёрланади. Орденнинг асоси хиёл бўртма шаклдаги саккиз қиррали юлдуз кўринишида бўлиб, унинг марказидан учи тугал нурлар таралиб туради. Юлдузнинг қарама-қарши жойлашган учлари ораси 48 миллиметр.

Орденнинг марказида зумрад ранг эмаль қопланган кумуш ҳошияли қалқон ва орден асосининг рангидаги қиличлар тасвирланган. Қалқоннинг бўйи 20 миллиметр, эни 18 миллиметр. Қалқон ўртасида кумуш рангли ярим ой ва саккиз қиррали юлдуз айлана диаметри 8 миллиметрли сатҳга жо бўлган. Қалқоннинг пастида баландлиги 3 миллиметрли кумуш ранг «I» рақами бор. Қалқон орден асосининг рангидаги тол шохлари билан ҳошияланган.

Орденнинг чап ва ўнг қисмларида симметрик тарзда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ранглиридаги ёйилиб турган мато жойлашган. Орденнинг куйи қисмида қалқон тагида тўқ қизил ранг фонда кумуш ранг «SHON-SHARAF» лсан ёзув ва ҳошия бор. Ҳарфларнинг баландлиги 3 миллиметр.

Орденнинг орқа томони ботиқ шаклда. Пастда 1 миллиметр катталиқдаги шрифт билан орденнинг тартиб рақами ёзилган.

Орден эни 24 миллиметрли рангдор йўл-йўл шойи мато (лента) сирилган беш қиррали қадағич (колодка)га ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади. Матонинг ўртасидан эни 5 миллиметрли оч яшил рангли йўл, кейин эса эни 1,5 миллиметрли иккита оқ, эни 4 миллиметрли иккита қизил ва эни 3 миллиметрли иккита ҳаво ранг йўллар ўтган. Матонинг четларига эни 1 миллиметрли қизил ҳошия чиқарилган.

Қадағичнинг бўйи 48 миллиметр, эни 46 миллиметр.

Орден тўғноғич билан тақилади.





*I даражали «Шон-шараф» ордени*

## **II даражали «Шон-шараф» орденининг ТАВСИФИ**

II даражали **«Шон-шараф»** ордени кумушдан тайёрланади. Орденинг асоси хиёл бўртма шаклдаги саккиз қиррали юлдуз кўринишида бўлиб, унинг марказидан учи тугал нурлар таралиб туради. Юлдузнинг қарама-қарши жойлашган учлари ораси 48 миллиметр.

Орденинг марказида зумрад ранг эмаль қопланган зарҳал ҳошияли қалқон ва орден асосининг рангидаги қиличлар тасвирланган. Қалқоннинг бўйи 20 миллиметр, эни 18 миллиметр. Қалқон ўртасида зарҳал рангли ярим ой ва саккиз қиррали юлдуз айлана диаметри 8 миллиметрли сатҳга жо бўлган. Қалқоннинг пастида баландлиги 3 миллиметрли зарҳал ранг «II» рақами бор. Қалқон орден асосининг рангидаги тол шоҳлари билан ҳошияланган.

Орденинг чап ва ўнг қисмларида симметрик тарзда Ўзбекистон Республикаси Давлат байрогининг рангларидаги ёйилиб турган мато жойлашган. Орденинг қуйи қисмида қалқон тагида тўқ қизил ранг фонда зарҳал ранг **«SHON-SHARAF»** деган ёзув ва ҳошия бор. Ҳарфларнинг баландлиги 3 миллиметр.

Орденинг орқа томони ботиқ шаклда. Пастда 1 миллиметр катталиқдаги шрифт билан орденинг тартиб рақами ёзилган.

Орден эни 24 миллиметрли рангдор йўл-йўл шойи мато (лента) сирилган беш қиррали қадагич (колодка)га ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади. Матонинг ўртасидан бири-биридан эни 1 миллиметрли оқ йўл билан ажралиб турадиган эни 2 миллиметрли иккита оч яшил рангли йўл ўтган. Кейин эса икки томондан эни 1,5 миллиметрли иккита оқ, эни 4 миллиметрли иккита қизил ва эни 3 миллиметрли иккита ҳаво ранг йўллар ўтган. Матонинг четларига эни 1 миллиметрли қизил ҳошия чиқарилган.

Қадагичнинг бўйи 48 миллиметр, эни 46 миллиметр.

Орден тўғногич билан тақилади.





*II даражали «Шон-шараф» ордени*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИНИ ТАЪССИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1994 йил, 5-сон, 117-модда;  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2000 йил, 5–6-сон, 153-модда;  
2005 йил, 1-сон, 18-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «Дўстлик» ордени таъсис этилсин.
2. «Дўстлик» ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. «Дўстлик» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1994 йил 5 май,  
1042–XII-сон

1994 йил 5 майда қабул қилинган  
Ўзбекистон Республикаси  
Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Дўстлик» ордени тўғрисидаги  
НИЗОМ**

1. **«Дўстлик»** ордени билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистонда яшайётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида эришган катта ютуқлари, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантирганликлари учун мукофотланадилар.

**«Дўстлик»** ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. **«Дўстлик»** ордени билан Ўзбекистон Республикаси Президенти мукофотлайди. Орден билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини **«Дўстлик»** ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

3. **«Дўстлик»** ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоқимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг ҳамда жамоат бирлашмалари республика органларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

4. **«Дўстлик»** орденини ва бу мукофотга оид тегишли



ҳужжатни тантанали ва кенг ошкоралик вазиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири топиради.

5. «Дўстлик» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

«Дўстлик» ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёزلардан фойдаланадилар.

6. «Дўстлик» ордени кўкракнинг чап томонига тақилади.

7. «Дўстлик» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганинг оиласига топирилади.

1994 йил 5 майда қабул қилинган  
Ўзбекистон Республикаси  
Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Дўстлик» орденининг  
ТАВСИФИ**

«Дўстлик» ордени 1 микрон қалинликда тилла қопланган томпақдан тайёрланади ва у бир-бирига жойлаштирилган турли катталиқдаги, маркази битта бўлган иккита саккиз қиррали юлдуз шаклида бўлади. Катта ва кичик юлдузлар оралиғи мовий эмаль билан тўлдирилган. Юлдузнинг бурчаклари орасида таралувчи зарҳал, учлари юмалоқланган нур тутамлари жойлашган. Катта юлдузнинг қарама-қарши қирралари оралиғи — 47 миллиметр, кичик юлдузнинг қарама-қарши қирралари оралиғи эса — 41 миллиметр.

Орденнинг марказида, диаметри 12 миллиметрли доира ичида оқ кумушранг фонда қўлни қўлга бериб кўришиш рамзи тасвирланган бўлиб, қўллар тасвирининг айрим ерлари зарҳалланган. Тасвир атрофида, мовий эмаль берилган фонда ўн икки инсоний фазилат рамзи сифатида ўн иккита кумушранг юлдуз жойлашган. Сатҳида юлдузлар жойлашган доира диаметри — 24 миллиметр. Бутун тасвир атрофида айлана жойлашган бўлиб, унинг юқори қисмига қизил эмаль билан нақш этилган «DO‘STLIK» деган ёзув, пастки қисмига эса зарҳал дафна барглари жо бўлган. Айлана диаметри — 33 миллиметр.

Орқа томонининг пастки қисмида орденнинг тартиб рақами 1 миллиметр катталиқдаги ботиқ шрифт билан ёзиғлиқ.

Орден мовий, яшил, сариқ, қизил рангли, бир-биридан оқ йўл билан ажратилган, эни бир хил рангдор йўлли шойи лента сирилган қадагичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.







«Дўстлик» ордени

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1994 йил, 5-сон, 119-модда; Ўзбекистон  
Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил,  
1-сон, 18-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Жасорат» медали таъсис этилсин.
2. «Жасорат» медали тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. «Жасорат» медалининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
1994 йил 5 май,  
1044—XII-сон



1994 йил 5 майда қабул қилинган  
Ўзбекистон Республикаси  
Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Жасорат» медали тўғрисидаги  
НИЗОМ**

1. **«Жасорат»** медали билан Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизматининг ва ички ишлар органларининг ходимлари республиканинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий бурчини ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлик ва жасоратлари учун мукофотланадилар.

**«Жасорат»** медали билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар табиий офат, ёнгин ва бошқа фавқулодда ҳолатлар вақтида жамоат тартибини сақлашда, одамлар ҳаётини, давлат ва жамоат мулкни сақлаб қолишда кўрсатган жасоратлари учун мукофотланишлари мумкин.

2. **«Жасорат»** медали билан Ўзбекистон Республикаси Президенти мукофотлайди. Медаль билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

3. **«Жасорат»** медали билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

4. **«Жасорат»** медалини ва бу мукофотга оид тегишли ҳужжатни тантанали вазиятда Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти топширигига биноан бошқа шахслар топширади.

5. «**Жасорат**» медали билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг ўн карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

«**Жасорат**» медали билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

6. «**Жасорат**» медали кўкракнинг чап томонига тақилади.

7. «**Жасорат**» медали билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда медаль, мукофотлаш тўғрисидаги тегишли ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

1994 йил 5 майда қабул қилинган  
Ўзбекистон Республикаси  
Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Жасорат» медалининг  
ТАВСИФИ**

**«Жасорат»** медали дастлаб 0,5 микрон қалинликда никель, кейин эса 0,25 микрон қалинликда тилла қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Медалнинг ҳаво ранг эмаль билан қопланган олд томонида, қуёш ва таралаётган нурлар фонида шон-шуҳрат ва мардлик рамзини ифодаловчи қалқон ва қилич тутган отлиқ жангчи тасвирланган.

Медалнинг қуйи қисмида, қизил эмаль фонида, қабарик ҳарфларда **«JASORAT»** деган ёзув берилган. Ҳарфларнинг баландлиги — 2 миллиметр. Медалнинг четлари икки томонидан ҳам қабарик доира билан, олд томонидан қўшимча қалинлиги 0,8 миллиметр қизил йўл билан ўралган.


Медалнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган. Пастда медалнинг рақами 1 миллиметр катталикидаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Медалнинг қалинлиги — 3 миллиметр.

Медадь уч рангли йўл-йўл шойи мато (лента) сирилган беш қиррали қадағич (колодка)га ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади. Матонинг эни — 24 миллиметр. Матонинг ўртасидан эни 4 миллиметрли яшил ранг йўл ўтган. Унинг икки ёнидан эни 1 миллиметрли оқ йўл жой олган. Оқ йўлларнинг ёнидан эни 2 миллиметрли яшил ранг йўллар ва эни 5 миллиметрли қизил йўллар ўтади. Матонинг чеккаларидан эни 2 миллиметрли яшил ранг йўллар ўтган.

Қадағичнинг бўйи — 48 миллиметр, эни эса — 45 миллиметр.

Медадь тўғноғич билан тақилади.



*«Жасорат» медали*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

### **«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг  
Ахборотномаси, 2007 йил, 6-сон, 250-модда)*

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 17 апрелда  
қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда маъқулланган

1-модда. **«Содиқ хизматлари учун»** медали таъсис этилсин.

2-модда. **«Содиқ хизматлари учун»** медали тўғрисидаги  
Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

3-модда. **«Содиқ хизматлари учун»** медалининг тавсифи  
тасдиқлансин (илова қилинади).

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда  
қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги 176–I-  
сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда;  
1996 йил, № 5–6, 63-модда, № 9, 120-модда; 1998 йил,  
№ 9, 163-модда; 2000 йил, № 7–8, 202-модда; 2003 йил,  
№ 9–10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) 12-моддаси  
**«Жасорат» медали»** деган сўзлардан кейин **«Содиқ хизматлари  
учун» медали»** деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан  
эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 6 июль,  
ЎРҚ–98-сон

2007 йил 6 июлдаги ЎРҚ–98-сонли  
Ўзбекистон Республикаси  
Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Содиқ хизматлари учун» медали тўғрисидаги  
НИЗОМ**

1. «Содиқ хизматлари учун» медали билан юксак касбий маҳоратини, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатини намоён этган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мамлакатнинг мудофаа қобилияти ҳамда миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар шайлигини ошириш ва Ўзбекистонда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ишидаги катта хизматлари учун мукофотланадилар.

«Содиқ хизматлари учун» медали билан айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

2. «Содиқ хизматлари учун» медали билан Ўзбекистон Республикаси Президенти мукофотлайди. Мукофотлаш тўғрисидаги фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

3. «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

4. «Содиқ хизматлари учун» медалини ҳамда мукофотлаш ҳақидаги тегишли ҳужжатни тантанали ва кенг ошкоралик вазиятида топишириш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси



Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, бошқа бунга ваколатли шахслар томонидан амалга оширилади.

5. «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

«Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

6. «Содиқ хизматлари учун» медали кўкракнинг чап томонига тақилади.

7. «Содиқ хизматлари учун» медали билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда медаль, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

2007 йил 6 июлдаги ЎРҚ–98-сонли  
Ўзбекистон Республикаси  
Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Содиқ хизматлари учун» медалининг  
ТАВСИФИ**

**«Содиқ хизматлари учун» медали** 0,25 микрон қалинликда олтин қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира кўринишидадир.

Медалнинг олд томонида, доирада, ёқут рангли эмаль билан қопланган саккиз қиррали юлдуз фонида ҳарбий хизматчининг тасвири (Ватан қаҳрамони — ҳимоячисининг тимсоли) жойлашган. Медалнинг юқори қисмида айлана бўйлаб акс эттирилган лентага **«SODIQ XIZMATLARI UCHUN»** сўзлари ёзилган. Медалнинг пастки қисмида саккиз қиррали юлдуз ва айлана бўйлаб яшил рангли эмаль билан қопланган дафна барглари тасвирланган.

Медалнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган, пастки қисмида медалнинг рақами ёзилган.

Медалъ эни 24 миллиметрли зангори шойи лента сирилган беш қиррали қадагичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади, лентанинг ўртасида эни 7 миллиметрли оқ йўл бўлиб, у эни 1 миллиметрли қизил йўллар билан ҳошияланган.

Тасвирлар ва ёзув — бўртма.

Медалнинг четлари қабариқ доира билан ўралган.





**«Содиқ хизматлари учун» медали**

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

### **«ШУҲРАТ» МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1994 йил, 5-сон, 121-модда;  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 2005 йил, 1-сон, 18-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Шуҳрат» медали таъсис этилсин.
2. «Шуҳрат» медали тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. «Шуҳрат» медалининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1994 йил 5 май,  
1046–XII-сон

1994 йил 5 майда қабул қилинган  
Ўзбекистон Республикаси  
Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Шуҳрат» медали тўғрисидаги  
НИЗОМ**

1. **«Шуҳрат»** медали билан республика иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишида ўзининг ҳалол меҳнати билан катта ютуқларга эришган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар мукофотланадилар.

2. **«Шуҳрат»** медали билан Ўзбекистон Республикаси Президенти мукофотлайди. Медаль билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

3. **«Шуҳрат»** медали билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарларининг ҳамда жамоат бирлашмалари республика органларининг тақдимномасига биноан амалга оширилади.

4. **«Шуҳрат»** медалини ва бу мукофотга оид тегишли ҳужжатни тантанали вазиятда Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Қорақалпоғистон Республикаси

Жўқорғи Кенгесининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғига биноан бошқа шахслар топширади.

5. «Шухрат» медали билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг беш карраси миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

«Шухрат» медали билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёزلардан фойдаланадилар.

6. «Шухрат» медали кўкракнинг чап томонига тақилади.

7. «Шухрат» медали билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда медаль, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

1994 йил 5 майда қабул қилинган  
Ўзбекистон Республикаси  
Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Шуҳрат» медалининг  
ТАВСИФИ**

«Шуҳрат» медали дастлаб 0,5 микрон қалинликда никель, кейин эса 0,25 микрон қалинликда тилла қотишма қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва қисман турли рангдаги эмаль берилган бўлади.

Медал диаметри 34 миллиметрли доира шаклида.

Медалнинг олд томонида кўтарилиб келаётган қуёш нурлари ичида Ўзбекистон иқтисодий қудратининг рамзи бўлган манзара бўртма йўсинда тасвирланган.

Медалнинг қуйи қисмида, оқ эмаль фонида, қабарик ҳарфларда «SHUHRAT» деган ёзув берилади. Ҳарфларнинг баландлиги — 2 миллиметр. Медалнинг четлари икки томондан бўртма доира билан ҳошияланган.

Медалнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган. Пастки қисмида медалнинг рақами 1 миллиметр катталиқдаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Медалнинг қалинлиги — 3 миллиметр.

Медал республика Давлат байроғи рангларидаги йўл-йўл шойи мато сирилган беш бурчакли қадағич (колодка)га ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади. Матонинг эни — 24 миллиметр. Кўк, оқ ва яшил йўлларининг эни — 7 миллиметр, қизил йўлларининг эни — 1,5 миллиметр.

Қадағичнинг бўйи — 48 миллиметр, эни — 45 миллиметр.

Медал тўғноғич билан тақилади.





«Шуҳрат» медали



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАХРИЙ УНВОНЛАРИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 5–6-сон, 64-модда; 1997 йил,  
2-сон, 64-модда; 1998 йил, 5–6-сон, 114-модда, 9-сон,  
164-модда; 2000 йил, 5–6-сон, 153-модда)*

Фуқароларни меҳнатдаги хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фахрий унвонлари таъсис этилсин:

- «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»,
- «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»,
- «Ўзбекистон ифтихори»,
- «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»,
- «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»,
- «Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси»,
- «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»,
- «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»,
- «Ўзбекистон Республикаси халқ шоири»,
- «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»,
- «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофиси»,
- «Ўзбекистон Республикасида коммунал, маиший ва савдо соҳасида хизмат кўрсатган ходими»,
- «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»,
- «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»,
- «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»,
- «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган меъмор»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган sanoat ходими»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»,

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи».

2. Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).

3. Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларининг кўкрак нишонлари тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1996 йил 26 апрель,  
226-1-сон

«Ўзбекистон Республикасининг фахрий  
унвонларини таъсис этиш тўғрисида»ги  
1996 йил 26 апрелда қабул қилинган  
Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикасининг фахрий  
унвонлари тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Ўзбекистон Республикасининг:

**«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»** фахрий унвони юксак бадий асарлар яратган, республикада адабиёт ва санъатни ривожлантиришда, ижодий кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашда хизмат кўрсатган режиссёрларга, бастакорларга, дирижёрларга, балетмейстерларга, мусиқа, хор, рақе ва бошқа бадий жамоаларнинг раҳбарларига, маданият ва санъат ўқув юр்தларининг муаллимларига, ранг тасвир, наққошлик, ўймакорлик, гиламдўзлик ва халқ ижодиётининг бошқа турларида юксак асарлар яратган халқ усталарига берилади;

**«Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»** фахрий унвони олимларга фан ва техника соҳасидаги гоят қимматли асарлари, кашфиёт ва ихтиролари учун, фан ва техникани ривожлантиришдаги, унинг ютуқларини тарғиб ва жорий этишдаги, республика халқ хўжалиги учун илмий кадрлар ва юқори малакали мутахассислар тайёрлашдаги хизматлари учун берилади;

**«Ўзбекистон нефтхори»** фахрий унвони жаҳон чемпионатларида, Олимпия ўйинларида ва шуларга тенг жаҳон спорт анжуманларида ғолиблик — чемпионлик унвонига эришган ҳамда ўз ютуқлари билан Ватан обрўсини, шони ва шуҳратини улуғлашга кўмаклашган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади;

**«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»** фахрий унвони

атоқли санъат арбобларига театр, мусиқа, кино, эстрада, цирк, телевидение ва радио эшиттиришни ривожлантиришдаги, республикада ижодий кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашдаги алоҳида хизматлари учун берилади;

«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси» фахрий унвони бахшичилик санъатини янада ривожлантиришдаги, миллий қадриятларимизни эъозлаш ва ўзбек халқ оғзаки ижодиётини кенг тарғиб этишдаги, ўз ижоди ва ижрочилик фаолияти билан халқимизни, айниқса ёшларни кўп минг йиллик маданиятимиз сарчашмаларидан бахраманд қилишдаги ҳамда Ватан истиқлоли ва шон-шарафини улуғлаш йўлидаги салмоқли ҳиссалари учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади;

«Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси» фахрий унвони адабиётни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган, халқ томонидан кенг эътироф этилган юксак бадиий асарлар яратган ёзувчиларга, драматурглар, танқидчилар ва адабиётшунос олимларга берилади;

«Ўзбекистон Республикаси халқ rassоми» фахрий унвони атоқли тасвирий санъат арбобларига ранг тасвир, графика, ҳайкалтарошлик, амалий-декоратив, театр ва кино санъатини ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун берилади;

«Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвони халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган халқ усталарига уларнинг миллий маданиятни янада ривожлантириш ва истеъдодли ёшларни тайёрлашга қўшган ҳиссалари учун берилади;

«Ўзбекистон Республикаси халқ шоири» фахрий унвони адабиётни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган, республикада ва унинг сарҳадларидан ташқарида машҳур бўлган юксак шеърий асарлар яратган шоирларга берилади;

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» фахрий унвони болалар ва ёшларга таълим ҳамда тарбия беришда, халқ таълимини ривожлантириш ишида алоҳида хизмат кўрсатган

барча турдаги умумтаълим мактабларининг ўқитувчиларига, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртларининг муаллимларига, халқ таълими тизимидаги ўқув-тарбия, услубият ва бошқа муассасаларининг ходимларига берилади;

**«Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофиз»** фахрий унвони кўшиқчиларга юксак ижрочилик маҳорати, Ўзбекистон мумтоз мусиқа меросини ва мусиқавий-шеърый санъатнинг анъанавий шаклларини ўзлаштирганлиги ва ривожлантирганлиги, фаол тарғиб қилганлиги учун берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида коммунал, маиший ва савдо соҳасида хизмат кўрсатган ходим»** фахрий унвони уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, бирлашма, ташкилот ва муассасаларининг аҳолига хизмат кўрсатиш ишини яхшилашда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»** фахрий унвони алоқа воситаларини ривожлантириш ва такомиллаштиришда, республика халқ хўжалигига ва аҳолисига алоқанинг барча турлари билан намунали хизмат кўрсатиш ишини ташкил этишда алоҳида хизмат кўрсатган алоқа ходимларига берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»** фахрий унвони республикада санъатни ривожлантиришда, республикада ижодий кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашда хизмат кўрсатган театр, кино, эстрада, цирк, телевидение ва радио эшиттириш артистлари, режиссёрларига, мусиқа ижрочилари ва ашулачиларга, балетмейстерларга, оркестр ва хор дирижёрларига, мусиқа ва бошқа бадиий жамоаларнинг раҳбарларига берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»** фахрий унвони ёшларга касб маҳоратини ўргатишда, меҳнатга ҳалол ва виждонан муносабатни, юксак ватанпарварлик ва ахлоқий фазилатларни тарбиялашда алоҳида хизмат кўрсатган халқ хўжалиги ходимлари ва мутахассисларига берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»** фахрий унвони газета ва журналлар таҳририятларининг, телевидение ва радио эшиттириш, ахборот агентликларининг матбуотни ривожлантиришда катта хизмат, ижодда ва ташкилотчилик фаолиятида алоҳида ўрناق кўрсатган журналистларига, нашриётлар, бошқа ташкилотларнинг ана шундай ходимларига берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор»** фахрий унвони сув хўжалиги, қурилиш, лойиҳа, илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотларнинг сув хўжалиги объектларини қуриш ҳамда улардан фойдаланиш билан шуғулланадиган ва сув хўжалигини ҳамда сугориладиган деҳқончиликни ривожлантиришда, шунингдек республика табиатини муҳофаза этишда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор»** фахрий унвони халқ хўжалигига жорий этилган ва катта иқтисодий самара берган ихтиролар ва рационализаторлик таклифларининг муаллифларига, шунингдек ихтирочилик ва рационализаторликни ривожлантиришда, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишда хизмат кўрсатган шахсларга берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи»** фахрий унвони халқ хўжалиги барча тармоқларининг иқтисодиётни юксалтиришда алоҳида хизмат кўрсатган юқори малакали иқтисодчиларига ва бухгалтерия ҳисоби ходимларига берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони маданий-маърифий муассасалар, телевидение, радио, матбуот, нашриётлар, тарих ва маданият ёлгорликларини сақлаш ходимларига, шунингдек маданиятни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган шахсларга берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган меъмор»** фахрий унвони миллий меъморчиликни, шаҳарсозликни



ривожлантиришда, замонавий фуқаролик, саноат ва қишлоқ меъморчилик мажмуалари, бинолари ва иншоотлари яратишда, шунингдек республикада меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш соҳасида хизмат кўрсатган юқори малакали меъморларга берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор»** фахрий унвони жамоа, акциядорлик, деҳқон, ижара, шахсий ва бошқа турдаги хўжаликларнинг, корхоналарнинг, ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ва тажриба муассасаларининг пахтачиликни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига, шунингдек бошқа шахсларга берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи»** фахрий унвони жамоа, акциядорлик, деҳқон, ижара, шахсий ва бошқа турдаги хўжаликларнинг, корхоналарнинг, ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ва тажриба муассасаларининг пиллачиликни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига, шунингдек бошқа шахсларга берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»** фахрий унвони саноат бирлашмалари ва корхоналарининг, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик муассасаларининг республика саноатини ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»** фахрий унвони илмий-тадқиқот, даволаш-профилактика, санитария-эпидемиология ва фармацевтика муассасаларининг соғлиқни сақлашни ривожлантиришда ва тиббий хизматни ташкил этиш ҳамда республика аҳолиси соғлиғини муҳофаза қилишда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига, шу жумладан ўрта ва кичик табақа тиббий ходимларига берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»** фахрий унвони Олимпиада ва Осиё ўйинларининг, жаҳон, Осиё чемпионатларининг, биринчиликларининг, А гуруҳидаги бошқа халқаро мусобақаларнинг, Олимпиада олди ўйинлари ёки ногиронлар умумжаҳон чемпионатларининг чемпионлари ва совриндорларини тайёрлаган, шунингдек

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган спорт устозларига берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»** фахрий унвони жаҳон чемпионлари ҳамда рекордчиларига, Олимпиада ва Осиё ўйинлари совриндорларига, шунингдек спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган бошқа спортчиларга берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»** фахрий унвони автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё, шаҳар транспорти, йўллар қурилиши ва улардан фойдаланиш, ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари, лойиҳа ташкилотларининг, шунингдек бошқа транспорт корхоналарининг республика транспортини ривожлантиришда, транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда, йўллар қуриш ва улардан фойдаланишда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими»** фахрий унвони ҳаво транспортини ривожлантиришда, замонавий авиация техникасини ўзлаштиришда, аҳолига ва республика халқ хўжалигига намунали хизмат кўрсатишни ташкил этишда алоҳида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходимлари ва мутахассисларига берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»** фахрий унвони барча турдаги умумтаълим мактабларининг, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг, ҳунар-техника билим юртларининг, мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактабдан ташқари муассасаларнинг, ўқитувчилар малакасини ошириш билан шугулланувчи услубият кабинетлари, курслар ва институтларнинг республика халқ таълимини ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига, шунингдек халқ таълими бошқа муассасаларининг ана шундай ходимларига берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор»** фахрий унвони жамоа, акциядорлик, деҳқон, ижара, шахсий



ва бошқа турдаги хўжаликларнинг, шунингдек ўқув юртлари, илмий-тадқиқот ва зооветеринария муассасаларининг, лойиҳа ташкилотларининг чорвачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган ходимларига берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»** фахрий унвони қонунчиликни ривожлантиришда, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда, халқ хўжалигида ҳуқуқий ишни яхшилашда, ҳуқуқ фанларини ривожлантириш ва юридик кадрларни тайёрлашда алоҳида хизмат кўрсатган юқори малакали юристларга берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»** фахрий унвони қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасининг, қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот муассасалари ва ўқув юртларининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига берилади;

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»** фахрий унвони қурилиш, монтаж ва лойиҳа ташкилотларининг, илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларнинг республикада қурилишни ва қурилиш индустриясини ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган ходимларига берилади.

«Ўзбекистон Республикасининг фахрий  
ушвонларини таъсис этиш тўғрисида»ги  
1996 йил 26 апрелда қабул қилинган  
Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси фахрий  
ушвонларининг кўкрак нишонлари  
ТАВСИФИ**

**«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»**

Кўкрак нишони 0,25 микрон қалинликда тилла қоплаиан 925 пробали кумушдан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида рангин тахта (палитра) мўйқаламлари билан, скрипка ва очик китоб, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг чап қисмидан «**SAN'AT ARBOBI**» деган ёзув горизонтал ҳолатда жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроги рангаридаги шойи лента сирилган қадағич ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»**

Кўкрак нишони 0,25 микрон қалинликда тилла қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида ядро атрофидаги электронлар траекторияси, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг чап қисмидан «**FAN ARBOBI**» деган ёзув горизонтал ҳолатда жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

### **«Ўзбекистон ифтихори»**

Кўкрак нишони 1 микрон қалинликда тилла қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланиб, диаметри 36 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида кумушранг айланма югуриш йўлаклари билан ўралган, яшил рангли эмаль қопланган стадион майдони тасвирланган бўлиб, унинг марказида олимпия рамзи — ички сатҳи ҳам кумушранг бешта ўзаро туташ ҳалқалар жойлашган. Стадион майдони узра Ўзбекистон Республикаси Давлат гербини тутиб турган иккита кумушранг қўл тасвирланган. Гербнинг юқори қисмида, мусамман жойлашган ерда диаметри 1,5 миллиметрли ёқуг жойлаштирилади. Нишоннинг юқори ярим айланаси бўйлаб, герб узра «O‘ZBEKISTON IFTIXORI» деган ёзув жойлашган. Нишоннинг пастки ярим айланасида яшил шаффоф эмаль қопланган дафна новдаси жойлашган бўлиб, унинг ўртасидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги лента ўтган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

### **«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»**

Кўкрак нишони 0,25 микрон қалинликда тилла қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида пардаси очилган театр сахнасининг бир қисми, ниқоб, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Парда остидаги текис



сатҳдан, нишон марказининг чапроғидан «XALQ ARTISTI» деган ёзув горизонтал ҳолатда жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

#### **«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»**

Кўкрак нишони 0,25 микрон қалинликда тилла қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида миллий чолғу асбоби — дўмбира чалиб куйлаётган бахши, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Рамзларнинг юқорироғидан «XALQ BAXSHISI» деган ёзув горизонтал ҳолатда жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

#### **«Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси»**

Кўкрак нишони 0,25 микрон қалинликда тилла қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида тоғлар ва водий фонидида очиқ китоб, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг чап томонида, рамзларнинг пастроғидан «XALQ YOZUVCHISI» деган ёзув горизонтал ҳолатда жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.



Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

#### **«Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»**

Кўкрак нишони 0,25 микрон қалинликда тилла қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида мольберт фонидида тахта (палитра) мўйқаламлари билан, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг чап томонида рамзларнинг юқорироғида «XALQ RASSOMI» деган ёзув горизонтал ҳолатда жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

#### **«Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»**

Кўкрак нишони 0,25 микрон қалинликда тилла қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида халқ усталари ясаган буюмлар (қумгон, лаган ва хонтахта), пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг чап қисми юқорироғидан «XALQ USTASI» деган ёзув горизонтал ҳолатда жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикаси халқ шонри»**

Кўкрак нишони 0,25 микрон қалинликда тилла қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида пат-қалам ва қогоз варағи, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг чап томонида рамзларнинг юқорироғидан «XALQ SHOIRI» деган ёзув горизонтал ҳолатда жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»**

Кўкрак нишони 0,25 микрон қалинликда тилла қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида мактаб биносининг фонида дарслик, дафтар, глобус, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишон марказининг юқорироғида, текис сатҳдан «XALQ O‘QITUVCHISI» деган ёзув горизонтал ҳолатда жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи»**

Кўкрак нишони 0,25 микрон қалинликда тилла қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланиб, диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.



Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида миллий чолғу асбобларидан доира ва дутор, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Рамъларнинг юқорироғидан «XALQ NOFIZI» деган ёзув горизонтал ҳолатда жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қалағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикасида коммунал, маиший ва савдо соҳасида хизмат кўрсатган ходим»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида ўртароқда аҳолига коммунал, маиший ва савдо хизмати кўрсатишнинг рамзи сифатида маркази бир-у, радиуслари ҳар хил учта айлана, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «KOMMUNAL, MAISHIY VA SAVDO SOHASIDA XIZMAT KO'RSATGAN XODIM» деган ёзув икки қатор бўлиб жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қалағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида ахборот



узатаётган алоқа йўлдоши, параболик антенна, пастки ўнг чеккада дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «XIZMAT KO'RSATGAN ALOQA XODIMI» деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

#### **«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида доира, ниқоб ва рояль, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «XIZMAT KO'RSATGAN ARTIST» деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

#### **«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томони ўртароғида кафтлар эъзозидоғи очила бошлаган гул гунчаси, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «XIZMAT KO'RSATGAN YOSHLAR MURABBIYSI» деган ёзув жой олган.





Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида авторучка ва блокнот, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «XIZMAT KO'RSATGAN JURNALIST» деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томони ўртароғида гидростанциядан оқиб тушиб мавж ураётган сув тўлқини, чапроғида ғўза тупи, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «XIZMAT KO'RSATGAN IRRIGATOR» деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томони ўртароғида штангенциркуль, тишли гилдирак ва қоғоз варағи, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «XIZMAT KO'RSATGAN IXTIROCHI VA RATSIONALIZATOR» деган ёзув икки қатор бўлиб жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида халқ хўжалиғи объектлари размлари туширилган Ўзбекистон Республикаси харитаси фонида компьютер, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «XIZMAT KO'RSATGAN IQTISODCHI» деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.



Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида очиқ китоб фонида гижжак ва рангин тахта (палитра) мўйқаламлари билан, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «**XIZMAT KO'RSATGAN MADANIYAT XODIMI**» деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидagi шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

#### **«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган меъмор»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қатинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида замонавий меъморчилик иншооти фонида ионий (меъморий) ордер ва қоғоз варағи, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «**XIZMAT KO'RSATGAN ME'MOR**» деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидagi шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

#### **«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қатинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида ўртароқда кафлар эъзотида пахта чаноғи, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «**XIZMAT KO'RSATGAN PAHTAKOR**» деган ёзув жой олган.



Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадагичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида газлама ўрами устида пилласи билан тут барглари, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб **«XIZMAT KO'RSATGAN PILLACHI»** деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадагичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
саноат ходими»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида саноат объектлари, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб **«XIZMAT KO'RSATGAN SANOAT XODIMI»** деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон



Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
соғлиқни сақлаш ходими»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиғи 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томони ўртароғида шифокорларнинг рамзи бўлмиш илон чирмашган қадаҳ, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб **«XIZMAT KO'RSATGAN SOG'LIQNI SAQLASH XODIMI»** деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
спорт устози»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиғи 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида югуриш йўлкаси фониде ёш спортчи устози билан, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб **«XIZMAT KO'RSATGAN SPORT USTOZI»** деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.



**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида югуриш йўлқалари ва футбол майдони фониди машъала, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «XIZMAT KO'RSATGAN SPORTCHI» деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
транспорт ходими»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида тепловоз, юк машинаси ва самолёт, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «XIZMAT KO'RSATGAN TRANSPORT XODIMI» деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабариқ.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
фуқаро авиацияси ходими»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.



Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида марказида уфқдан бош кўтарайтган қуёш фониди самоди булутлар узра парвоз қилаётган ҳаво кемаси, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «**XIZMAT KO'RSATGAN FUQARO AVIATSIYASI XODIMI**» деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган  
халқ таълими ходими»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида ўртароқда, очик китоб фониди глобус ва учбурчак чизғич, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «**XIZMAT KO'RSATGAN XALQ TA'LIMI XODIMI**» деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида чорвачилик



фермаси фонида ўтлаб юрган қўй подаси ва отлиқ чўпон, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «XIZMAT KO'RSATGAN CHORVADOR» деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

#### **«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида қалқон, қилич ва тарози, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «XIZMAT KO'RSATGAN YURIST» деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

#### **«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида баландлик узра нур таратиб турган қуёш фонида эгатлар олинган дала ва трактор, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган.



Нишоннинг айланаси бўйлаб «XIZMAT KO'RSATGAN QISHLOQ XO'JALIK XODIMI» деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»**

Кўкрак нишони диаметри 30 миллиметрли доира шаклида бўлади ва 925 пробали кумушдан тайёрланади. Нишоннинг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Нишоннинг ҳошияланган текис юз томонида қурилиш майдони, пастки ўнг чеккасида дафна новдаси тасвирланган. Нишоннинг айланаси бўйлаб «XIZMAT KO'RSATGAN QURUVCHI» деган ёзув жой олган.

Нишоннинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзув қабарик.

Кўкрак нишони ички қисмига Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларидаги шойи лента сирилган қадағичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади.



*«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»  
фахрий унвони кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»  
фахрий унвони кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон ифтихори»  
фахрий унвони кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»  
фахрий унвони кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»  
фахрий унвони кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси»  
фахрий унвони кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»  
фахрий унвони кўкрак нишони*





*«Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»  
фахрий унвони кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикаси халқ шоири»  
фахрий унвони кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»  
фахрий унвони кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи»  
фахрий унвони кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикасида коммунал,  
машиий ва савдо соҳасида хизмат кўрсатган ходим»  
фахрий унвони кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган алоқа ходими» фахрий унвони  
кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган артист» фахрий унвони  
кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий  
унвони кўкрак нишони*





*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган журналист» фахрий унвони  
кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган ирригатор» фахрий унвони  
кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган ихтирочи ва рационализатор»  
фахрий унвони кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган иқтисодчи» фахрий унвони  
кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган маданият ходими» фахрий  
унвони кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган меъмор» фахрий унвони  
кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган пахтакор» фахрий унвони  
кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган пиллачи» фахрий унвони  
кўкрак нишони*





*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони  
кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»  
фахрий унвони кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган спорт устози» фахрий унвони  
кўкрак нишони*



**«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган спортчи» фахрий унвони  
кўкрак нишони**



*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган транспорт ходими» фахрий  
унвони кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган фуқаро авиацияси ходими»  
фахрий унвони кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган халқ таълими ходими»  
фахрий унвони кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган чорвадор» фахрий уивони  
кўкрак нишони*





*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган юрист» фахрий унвони  
кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими»  
фахрий унвони кўкрак нишони*



*«Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган қурувчи» фахрий унвони  
кўкрак нишони*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**СОБИҚ ССР ИТТИФОҚИНИНГ МУКОФОТЛАР  
ҚОНУНИДА БЕЛГИЛАНГАН ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРНИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИДА  
САҚЛАБ ҚОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
Ахборотномаси, 1993 йил, 4-сон, 183-модда)*

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги, унинг иқтисодини, фани ва маланиятини шакллантиришдаги, халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликни мустақамлашдаги хизматларини эътироф этиб, **қарор қиламан:**

1. Собиқ ССР Иттифоқининг давлат мукофотларига сазовор бўлган Улуғ Ватан уруши қатнашчиларида, Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигининг ходимлари ва бошқа фуқароларида илгари мукофотлар қонунида кўзда тутилган ҳуқуқ ва бурчлар сақлаб қолинсин.

2. Фармон имзоланган пайтдан бошлаб кучга кирази.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1993 йил 7 май,  
ПФ-604-сон

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОРДЕНЛАРИ, МЕДАЛЛАРИНИ, ПЛАНКАЛАРДАГИ ОРДЕН ЛЕНТАЛАРИ, МЕДАЛЬ ЛЕНТАЛАРИНИ ТАҚИБ ЮРИШ ҚОИДАЛАРИНИ ҲАМДА ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАР ЛЕНТАЛАРИНИНГ ТАВСИФИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медалларини, планкалардаги орден ленталари ва медаль ленталарини тақиб юришни тартибга келтириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медалларини, планкалардаги орден ленталари, медаль ленталарини тақиб юришнинг илова қилинаётган қоидалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси орден ва медаллари ленталарининг тавсифи тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1995 йил 6 апрель,  
ПФ–1095-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 1995 йил 6 апрелдаги  
ПФ—1095-сон Фармониغا  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг орденлари,  
медалларини, планкалардаги орден  
ленталари, медаль ленталарини тақиб юриш  
ҚОИДАЛАРИ**  
**ҳамда орден ва медаллар ленталарининг  
ТАВСИФИ**

Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига сазовор бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси орден ва медалларини, одатда, умумдавлат байрамлари ҳамда бошқа байрамлар ва тантанали мажлислар вақтида тақиб юрадилар.

Бошқа ҳолларда эса нишондорлар Ўзбекистон Республикасининг ё орден, медалларини, ёхуд уларнинг планкалардаги ленталарини тақиб юришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларини, планкалардаги орден ленталари ва медалларнинг ленталарини тақиб юриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг орден ва медалларни таъсис этиш тўғрисидаги қонунларига, шунингдек, қуйидаги қоидаларга риоя этилади:

1. «Олтин Юлдуз» медали бошқа алоҳида ўрناк кўрсатганлик учун олинган нишонларни тақиб юриш чоғида орден ва медаллардан юқорида, аввалги «Олтин Юлдуз» медалидан ҳамда «Ўроқ ва Болга» олтин медалидан ўнгрқда қадалади.

2. Ўзбекистон Республикасининг орденлари колодкаларда тақиб юриладиган бўлса, собиқ ССР Иттифоқи орденларидан ўнгрқда жойлашади.

Ўзбекистон Республикасининг орденлари колодкасиз тақиб юрилганда собиқ ССР Иттифоқи орденларидан чапроқда жойлашади.



Ўзбекистон Республикасининг медаллари собиқ ССР Иттифоқи медалларидан ўнгроқда, орденлардан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикасининг планкалардаги орден ленталари собиқ ССР Иттифоқининг орден ленталаридан ўнгроқда тақиб юрилади.

Ўзбекистон Республикасининг планкалардаги медаль ленталари собиқ ССР Иттифоқи медалларининг ленталаридан ўнгроқда, орден ленталаридан кейин тақилади.

3. Ўзбекистон Республикасининг икки ва ундан кўпроқ орденлари колодкаларда тақиб юрилганда улар қуйидаги тартибда жойлаштирилади: I даражали «Соғлом авлод учун» ордени, «Дўстлик» ордени, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени.

Ўзбекистон Республикасининг (собиқ ССР Иттифоқининг) икки ва ундан кўпроқ медаллари тақиб юрилганда улар орденлардан кейин қуйидаги тартибда жойлаштирилади «Жасорат» медали, «Шухрат» медали.

4. «**Мустақиллик**» орденини ҳар куни тақиб юриш учун орден лентаси тайёрланади. Шойи лентанинг эни — 24 мм ва бўйи — 12 мм. Лентанинг ўртасидан эни 4 мм бўлган ёқутранг чизиқ ўтади. Унинг ҳар икки томонига эни 1 мм оқ чизиқлар, эни 3 мм сариқ чизиқлар, эни 1 мм оқ чизиқлар, эни 2 мм зангори чизиқлар, эни 1 мм ёқутранг чизиқлар, эни 2 мм яшил чизиқлар кетма-кет жойлашган.

5. «**Соғлом авлод учун**» орденини планкаларда ҳар куни тақиб юриш учун эни 24 мм бўлган, ранги колодка ранги билан бир хил ва кўзда тутилган қабарик тасвири лента тайёрланади.

6. Ўзбекистон Республикасининг орден ва медалларисиз ленталарни тақиб юриш учун мўлжалланган планкалар бироз бўртган, орден ва медалга мос лента ўралган тўғри бурчакли металл пластинкалардан иборатдир. Планканинг қалинлиги — 12 мм.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ ТАЪСИС ЭТИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1999 йил, 6-сон, 151-модда; 2000 йил,  
9–10-сон, 275-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси,  
2006 йил, 2-сон, 97-модда)*

Аёлни муқаддас билиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, овоз ва обод юртимиз келажаги бўлган ҳар томонлама етуқ ёшларни тарбиялашдаги беқийс ўрнини яна бир бор эътироф этиш, баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасидаги иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, тенгдошларининг миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодининг юксалиши йўлидаги ибратли фаолияти, кенг қўламли ислохотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокни рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фанлар академияси, Бадий академия, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Ёзувчилар, Бастакорлар, Меъморлар уюшмалари, «Олтин мерос», «Камолот», «Умид», «Улугбек», «Наврўз» жамғармалари ва кенг жамоатчиликнинг Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифлари маъқуллансин.

Зулфия номидаги Давлат мукофотини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакилаларига биттадан ҳар йили Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида бериш мақсадга мувофиқ деб топилсин.





2. Белгилаб қўйилсинки:

Зулфия номидаги Давлат мукофоти мактаб, линей, коллеж ва олий ўқув юртларида аъло хулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари билан алоҳида истеъдодини намоён қилиб таълим олаётган, истиқлол ғояларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун берилади;

Зулфия номидаги Давлат мукофоти энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида тайинланади;

Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари бўлган мактаб, линей, коллеж ўқувчилари танлаган йўналишлари бўйича олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

3. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Фанлар академияси, Бадий академия, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ва бошқа тегишли жамоат ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқилган кўкрак нишони ҳамда дипломи намунаси тасдиқлансин.

4. Зулфия номидаги Давлат мукофоти тўғрисидаги Низом 1-иловага, мукофот комиссияси тўғрисидаги Низом 2-иловага ва комиссия таркиби 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қошида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиши ҳамда унга қўмита раиси раҳбарлик қилиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Давлат мукофотини бериш, кўкрак нишони ва дипломини тайёрлаш учун Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига давлат бюджетидан тегишли маблағ ажратсин.

7. Зулфия номидаги Давлат мукофоти мукофот комиссияси кенг жамоатчилик фикрини атрофлича ўрганиб, талабгорлар фаолиятини ҳар томонлама муҳокама қилиб чиқарган

\* 3-илова берилмайди.

*Ўзбекистон Республикасининг Давлат муқофотлари*

хулосалари асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан берилиши белгилаб қўйилсин.

8. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д. Фуломова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1999 йил 10 июнь,  
ПФ-2326-сон



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 1999 йил 10 июндаги  
ПФ–2326–сон Фармониغا  
1-ИЛОВА

**Зулфия номидаги Давлат мукофоти тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти мактаб, линей, коллеж ва олий ўқув юртларида аъло хулқи, ўқишдаги муваффақиятлари, ижтимоий фаоллиги билан алоҳида истеъдодини намоён қилиб таълим олаётган, истиқлол гоёларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги ҳамда жамоатчилик фаолиятидаги алоҳида ютуқлари учун берилади.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан вакилаларига жами 14 та берилади.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофотига талабгорнинг сўнгги икки йил мобайнидаги ибратли фаолияти, адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари тақдим этилади.

Хужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби республика Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси томонидан белгиланади.

3. Зулфия номидаги Давлат мукофотига тақдим этиш тўғрисидаги қарорлар вазирликлар, давлат қўмиталари, маҳаллий ҳокимият органлари, ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотлари томонидан қабул қилинади.

Ижодий, илмий ва таълим муассасалари юқорида қайд этилган ташкилотларга Зулфия номидаги Давлат мукофотини олишга номзод кўрсатиш бўйича таклифлар киритиш,

шунингдек тавсия этилган ишларга доир ўз фикр-мулоҳазаларини мукофот комиссиясига маълум қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

4. Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этилган талабгорлар фаолияти ва асарлари муҳокамасини ташкил қилиш, шунингдек зарур материалларни ўз вақтида тақдим этиш тегишли вазирликлар, компаниялар, ижодий уюшмалар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар зиммасига юкланади.

Кўрсатиб ўтилган талаблар бажарилмаган тақдирда комиссия ишларни кўриб чиқишни рад этиши мумкин.

5. Зулфия номидаги Давлат мукофотларини беришга доир тақлифлар тўғрисидаги қарор комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирокида, яшарин овоз бериш орқали кўпчилик овоз билан қабул қилинади ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

6. Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганларга тантанали вазиятда совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлари топширилади.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорининг фахрий нишони кўкракнинг ўнг томонига тақилади.

7. Ўзбекистон Республикасининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти такроран берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 1999 йил 10 июндаги  
ПФ–2326-сон Фармонига  
2-ИЛОВА

**Зулфия номидаги Давлат мукофоти  
комиссияси тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссияси (бундан кейин «Комиссия» деб аталади) адабиёт, санъат, фан, таълим, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалардаги энг нуфузли арбоблардан, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари ҳамда маданият муассасаларининг таниқли вакилларида ташкил топади ва унинг таркиби ҳар тўрт йилда учдан икки қисми янгиланиши назарда тутилган ҳолда тасдиқланади. Мазкур комиссия аъзолари жамоатчилик асосида ишлайдилар.

2. Комиссия ишига Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг раиси раҳбарлик қилади.

3. Комиссияга Зулфия номидаги Давлат мукофотини олиш бўйича таклифларни ушбу мукофот тўғрисидаги Низомга қатъий мувофиқ ҳолда кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори учун зарур бўлган таклифларни тайёрлашга доир барча ишлар юкланади.

**4. Комиссия:**

а) Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этилган талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилади;

б) талабгорлар рўйхати, уларнинг ибратли фаолиятлари, асарлари ҳақидаги маълумотларни тавсия этган ташкилотларни кўрсатган ҳолда, мукофот берилишидан икки ой олдин республика оммавий ахборот воситаларида эълон қилади;

в) Давлат мукофотига тавсия этилган талабгорларнинг фаолияти, асарларининг жамоатчилик томонидан кенг ва

ошкора муҳокама қилинишини ташкил этади, уларнинг жамоатчилик ва мутахассислар томонидан ҳолисона баҳоланишига кўмаклашади;

г) Давлат мукофоти юзасидан тушган таклифларни ўрганиб чиқиб, мукофотларни бериш тўғрисидаги қарорларини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

д) Давлат мукофоти совриндори ёрлиқларини, фахрий нишонларини расмийлаштиради ҳамда уларни топширишни ташкил этади, шунингдек мукофотлар пулини тўлашни амалга оширади.

5. Комиссияга қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

а) Давлат мукофотига тавсия этилган талабгорларнинг фаолияти, асарларини олдиндан кўриб чиқиш, улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун пул тўлаш йўли билан мутахассис-экспертларни таклиф этиш;

б) Давлат мукофотини олишга тавсия этилган талабгорларнинг ибратли фаолиятлари ва ижодий ишларига доир материалларни тегишли ташкилотларга экспертларнинг кўриб чиқиши учун юбориш;

в) мукофотга тавсия этилган талабгорларнинг фаолияти ва ижоди билан жойларда танишиш учун комиссия аъзоларини, экспертлар ёки эксперт комиссияларини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга юбориш.



*Зулфия номидаги Давлат мукофоти*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг  
Ахборотномаси, 2006 йил, 7-сон, 387-модда)*

Юксак даражадаги илмий изланишларни амалга ошириш, ноёб ихтиро ва кашфиётлар, энг замонавий талабларга жавоб берадиган техника ва юқори технологияларни, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида улкан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган етук бадиий асарлар яратишни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. 2007 йилдан бошлаб, ҳар икки йилда бир марта бериладиган Ўзбекистон Республикасининг:

— фан ва техника;

— адабиёт;

— санъат ва меъморчилик йўналишларида жами олтита — учта биринчи даражали ва учта иккинчи даражали Давлат мукофотлари таъсис этилсин. Ҳар қайси биринчи даражали Давлат мукофотининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараварига, ҳар қайси иккинчи даражали Давлат мукофотининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараварига тенг бўлиши белгилаб қўйилсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон Республикасининг Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари бўйича кенгаш ташкил қилинсин ва унинг таркиби I-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат мукофотларига талабгорлар бўйича тавсияномаларни қабул қилиш ва уларни саралаш, Давлат мукофотларига

---

\* I-илова берилмайди.



номзодлар рўйхатини шакллантириш, уларнинг илмий, ижодий, адабий ва бадий ишларининг кенг муҳокамасини ташкил қилиш, экспертизадан ўтказиш ҳамда тегишли таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этиш Давлат мукофотлари бўйича кенгашнинг асосий вазифаси деб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Илгари Ўзбекистон Республикасининг Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод ва Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотлари билан тақдирланган лауреатларнинг мазкур мукофотлари ўз кучини сақлаши белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил қилиш тўғрисида» 1997 йил 23 январдаги ПФ–1701-сон Фармонининг 8-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин;

Давлат мукофоти лауреатларининг дипломи, гувоҳномаси ва кўкрак нишони лойиҳасини яратиш учун танлов эълон қилсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 25 июль,  
ПФ–3781-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2006 йил 25 июлдаги  
ПФ–3781-сон Фармониغا  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт,  
санъат ва меъморчилик соҳасидаги  
Давлат мукофотлари тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари (кейинги ўринларда Давлат мукофотлари деб аталади) мазкур соҳа вакилларининг давлат ва жамият олдидаги хизматларининг юксак эътирофидир.

Ўзбекистон Республикасининг

— фан ва техника,

— адабиёт,

— санъат ва меъморчилик йўналишларида жами олтига — урта биринчи даражали ва урта иккинчи даражали Давлат мукофотлари ҳар икки йилда бир марта берилади.

Ҳар қайси биринчи даражали Давлат мукофотининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараварига, ҳар қайси иккинчи даражали Давлат мукофотининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараварига тенг бўлиб, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиққа тортилмайди.

Давлат мукофотларига илмий тадқиқотлари, адабий ва бадиий асарлари матбуотда эълон қилинган, техника ва технологиялар соҳасидаги ишлари ишлаб чиқаришга жорий этилган шахслар тавсия этилиши мумкин.

Муסיқа, театр, кино, тасвирий ва бошқа хил санъат асарларининг муаллифлари ушбу асарлар концертлар, кўргазмалар, театрлар, радио ва телевидение орқали эълон қилиниб, кенг жамоатчиликка таништирилганидан кейин,

меъморчилик асарлари бўйича объектлар эса фойдаланишга топширилганидан сўнг бир йил ўтгач, Давлат мукофотларига тавсия этилиши мумкин.

2. Фан ва техника соҳасидаги биринчи даражали Давлат мукофоти республика фанини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган ва халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига кучли таъсир қилган кашфиёт, ихтиро ва илмий ишланмалар, жаҳон миқёсидаги энг илғор стандартларга мос бўлган ва амалиётга катта самара билан жорий этилган янги техника ва технологиялар учун берилади.

Фан ва техника соҳасидаги иккинчи даражали Давлат мукофоти республика фанининг муайян тармоқларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган ва хорижий мамлакатларда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган ихтиролар, илмий ишланмалар, таълим муассасалари учун дарсликлар, илғор стандартларга мос бўлган ва ишлаб чиқаришга самарали жорий қилинган янги технологиялар учун берилади.

Адабиёт соҳасидаги биринчи даражали Давлат мукофоти ўзбек адабиётини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган, кенг маданий жамоатчилик томонидан эътироф этилган, халқаро миқёсда миллий адабиётимизнинг обрў-эътиборини кўтаришга хизмат қилган юксак бадиий савиядаги шеърӣ, насрий ва драматик асарлар, ўзбек адабиётининг энг нодир асарларини хорижий тилларга таржималари ҳамда адабиётшунослик йўналишидаги фундаментал тадқиқотлар учун берилади.

Адабиёт соҳасидаги иккинчи даражали Давлат мукофоти замонавий ўзбек адабиёти ривожидида муносиб ўрин эгаллаган юксак савиядаги бадиий ва публицистик асарлар, жаҳон адабиётининг миллий маънавиятимизни бойитишга хизмат қиладиган етук асарларини ўзбек тилига

таржималари, адабиётшунослик соҳасидаги тадқиқотлар ҳамда адабиёт дарсликлари учун берилади.

Санъат ва меъморчилик соҳасидаги биринчи даражали Давлат мукофоти республикада маданият, санъат ва меъморчиликни ривожлантиришга беқиёс ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик томонидан ҳамда халқаро миқёсда эътироф этилган, энг юксак бадиий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари учун берилади.

Санъат ва меъморчилик соҳасидаги иккинчи даражали Давлат мукофоти республикада маданият ва меъморчиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик ва ижодкорлар томонидан эътироф этилган, юксак бадиий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари учун берилади.

Давлат мукофотлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ҳамда мамлакатимиз фан ва техникаси, адабиёти, санъати ва меъморчилиги ривожини йўлидаги алоҳида хизматлари учун хорижий давлатларнинг фуқароларига берилади.

3. Давлат мукофотлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади.

Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари бўйича кенгаш (кейинги ўринларда Давлат мукофотлари бўйича кенгаш) томонидан тақдим этилади.

4. Давлат мукофоти шахсий характерга эга ва, қоидага кўра, битта шахсга берилади. Давлат мукофотига тавсия этилган ишда бир неча шахснинг ҳиссаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тақдирдагина Давлат мукофоти муаллифлар жамоасига берилиши мумкин. Муаллифлар жамоаси аъзоларининг сони беш кишидан ошмаслиги керак. Бу ҳолда пул мукофоти Давлат мукофоти лауреатлари ўртасида тенг миқдорда тақсимланади ва ҳар бир лауреатга диплом, фахрий нишон ва унинг гувоҳномаси топширилади.



Давлат мукофотига тақдим этилаётган жамоа илмий ва ижодий ҳиссаси эришилган ютуқда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муаллифлардангина иборат бўлиши шарт. Муаллифлар жамоаси таркибига талабгор шахслар маъмурий, маслаҳатчилик ёки ташкилотчилик бўйича ҳиссасига кўра киритилиши мумкин эмас.

Давлат мукофотлари истисно тариқасида илгари Ҳукуматнинг бошқа мукофоти билан тақдирланган муаллифлар ишлари учун ҳам берилишига йўл қўйилади.

Муаллифлар жамоасининг аъзоси вафот этган тақдирда, унинг ишга қўшган ҳиссаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлсагина, Давлат мукофотига тавсия этилиши мумкин. Вафотидан сўнг тақдирланган ёки вафот этган лауреатнинг дипломи ва фахрий нишони унинг оиласига ёдгорлик сифатида топширилади, пул мукофоти эса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мерос қилиб берилади.

Ҳар бир соҳа бўйича мукофотга номзодлар сони олтитадан кам бўлган ёки Давлат мукофотлари бўйича кенгаш томонидан экспертиза хулосалари ёки кенг жамоатчилик ўртасидаги муҳокама натижалари асосида Давлат мукофотига тавсия этилган ишлар бундай мукофотга муносиб эмас ёки муносиблиги мунозарали деб топилган тақдирда бериладиган Давлат мукофотлари сони камайтирилиши ёки берилмай қолдирилиши мумкин.

5. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари Давлат мукофотларига номзодлар кўрсатиш ва тавсияномалар тақдим этиш ҳуқуқига эга.

6. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

навбатдаги Давлат мукофотларига талабгорлар бўйича тавсияномалар қабул қилиш бошланиши тўғрисидаги билдириш мукофотлар бериладиган муддатдан ўн ой олдин республика марказий газеталарида эълон қилинади;

Давлат мукофотига талабгорларнинг ҳужжатлари уч ой давомида қабул қилинади;

ҳужжатлар қабул қилиш тўхтатилганидан сўнг бир ой

муддатда Давлат мукофотлари бўйича кенгаш томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг Давлат мукофотлари тўғрисидаги низом талабларига мувофиқлиги кўриб чиқилиб, номзодлар рўйхати шакллантирилади ва республика марказий газетларида эълон қилинади;

Давлат мукофотига тақдим этилган ишлар уч ой мобайнида кенг жамоатчилик, мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар муҳокамасидан ҳамда экспертизадан ўтказилади;

икки ой мобайнида муҳокама натижалари ва экспертиза хулосалари умумлаштирилиб, Давлат мукофотлари бўйича кенгашнинг соҳаларга оид шўъбаларида кўриб чиқилади, шўъбаларнинг хулосалари асосида тегишли таклифлар тайёрланади ва мукофот бериладиган муддатдан бир ой олдин Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этилади.

7. Давлат мукофотларига талабгорлар бўйича тавсияномалар ва уларга тегишли материалларни тайёрлаш, Давлат мукофотлари бўйича кенгашга тақдим этиш, уларни Давлат мукофотлари бўйича кенгашнинг ишчи органларида расмийлаштириш, экспертизадан ўтказиш, Давлат мукофотлари бўйича кенгашда кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган «Давлат мукофотларига тавсияномаларни кўриб чиқиш ва Давлат мукофотларини бериш бўйича таклифлар тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги Регламент билан белгиланади.

8. Талабгорларнинг ишлари танлов асосида кўриб чиқилади. Давлат мукофотларига тавсия этиш учун саралаб олинган номзодлар рўйхати, уларнинг мукофотга тавсия этилаётган ишларининг номи ва қисқа мазмуни билан бирга республика марказий матбуотида эълон қилинади. Давлат мукофотлари бўйича кенгаш манфаатдор томонлар иштирокида Давлат мукофотларига тақдим этилган ишларнинг кенг муҳокамасини ташкил қилади ва экспертизадан ўтказилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги Фармони Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами арафасида матбуотда эълон қилинади.



10. Давлат мукофотларига сазовор бўлган шахсларга «Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати» унвони берилади ва уларга пул мукофоти, диплом, «Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати» кўкрак нишони ҳамда унинг гувоҳномаси топширилади.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати» нишони кўкракнинг ўнг томонига, бошқа давлат мукофотларининг юқорисига тақилади.



*Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника,  
адабиёт, санъат ва меъморчилик йўналишларидаги  
I-даражали Давлат мукофоти*





*Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника,  
адабиёт, санъат ва меъморчилик йўналишларидаги  
II-даражали Давлат мукофоти*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ФАХРИЙ УНВОНЛАР УЧУН ГОНОРАРЛАР ВА ҚЎШИМЧА ҲАҚ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

*Мазкур қарорнинг Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академиясининг ва тармоқ академияларининг  
ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзолари унвонлари учун  
гонорарлар миқдорига оид қисми Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 декабрдаги 578-сон  
«Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиялари аъзоларининг  
гонорарлари, докторантлар ва аспирантларнинг  
стипендиялари миқдорини ошириш  
тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган.*

Ўзбекистон Республикасининг илмий ва ижодий салоҳия-  
тини сақлаш ва мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикасида  
таъсис этилган фахрий унвонлар нуфузини ошириш мақсадида  
Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Фахрий унвонларга эга бўлган кишиларнинг иш ҳақи  
ва пенсияларига ҳар ойда бериладиган гонорарлар ҳамда  
қўшимча ҳақ миқдорлари шу йил 1 июлдан бошлаб иловага  
мувофиқ белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, гонорарлар ва қўшимча ҳақни  
тўлаш билан боғлиқ харажатлар бюджет, Пенсия жамгармаси,  
шунингдек хўжалик ҳисобидаги корхоналар, ташкилотлар  
ва муассасаларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат  
вазирлиги, Пенсия жамгармаси, Ижтимоий таъминот  
вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан  
биргаликда икки ҳафта муддатда юқорида айтиб ўтилган  
гонорарлар ва қўшимча ҳақларни тўлаш тартибини ишлаб  
чиқсин ва тасдиқласин.



Илгари тугатилган фахрий унвонларга ҳақ тўлаш бекор қилинсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 16 ноябрдаги 536-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 31 декабрдаги 600-сон қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг**

**Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1993 йил 7 июнь,  
274-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
1993 йил 7 июндаги 274-сон қарорига  
ИЛОВА

**Фахрий унвонлар учун гонорарлар ва қўшимча ҳақ  
миқдорлари**

<b>Фахрий унвонларнинг номи</b>	<b>Ойлик гонорар ва қўшимча ҳақ миқдорлари</b>
1. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси	республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдориди
2. Фанлар академиясининг мухбир аъзоси	Фанлар академияси академиги гонорари миқдорининг 70 фоизи
3. Тармоқ академиясининг ҳақиқий аъзоси	Фанлар академияси академиги гонорари миқдорининг 60 фоизи
4. Тармоқ академиясининг мухбир аъзоси	Фанлар академияси академиги гонорари миқдорининг 50 фоизи
5. Ўзбекистон халқ ёзувчиси	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдориди
6. Ўзбекистон халқ шоири	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдориди
7. Ўзбекистон халқ ўқитувчиси	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдориди
8. Ўзбекистон халқ rassоми	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдориди
9. Ўзбекистон халқ артисти	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдориди
10. Ўзбекистон халқ ҳофиси	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдориди
11. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдориди
12. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдориди
13. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист	республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 80 фоизи
Бошқа тармоқларнинг хизмат кўрсатган ходимлари:	республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 60 фоизи

14. Хизмат кўрсатган архитектор	республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 60 фоизи
15. Хизмат кўрсатган журналист	→→
16. Хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими	→→
17. Хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализаторчи	→→
18. Хизмат кўрсатган ирригатор	→→
19. Хизмат кўрсатган қорақўлчи	→→
20. Хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси	→→
21. Хизмат кўрсатган sanoat ходими	→→
22. Хизмат кўрсатган алоқачи	→→
23. Хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиғи ходими	→→
24. Хизмат кўрсатган бинокор	→→
25. Хизмат кўрсатган спортчи	→→
26. Хизмат кўрсатган маданият ходими	→→
27. Хизмат кўрсатган маиший хизмат соҳаси ходими	→→
28. Хизмат кўрсатган транспорт ходими	→→
29. Хизмат кўрсатган спорт устози	→→
30. Хизмат кўрсатган пахтакор	→→
31. Хизмат кўрсатган пиллачи	→→
32. Хизмат кўрсатган иқтисодчи	→→
33. Хизмат кўрсатган юрист	→→
34. Хизмат кўрсатган чорвалор	→→
35. Хизмат кўрсатган халқ тағлими ходими	→→

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА» 2006 ЙИЛ 25 ИЮЛДАГИ ПФ–3781-СОН ФАРМОНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари  
тўплами, 2006 йил, 31–32-сон, 322-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида» 2006 йил 25 июлдаги ПФ–3781-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Давлат мукофотларига талабгорлар бўйича тавсияномаларни кўриб чиқиш ва Давлат мукофотларини бериш бўйича таклифлар тайёрлаш Регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Фанлар академиясига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари бўйича кенгашнинг ишчи органлари вазифасини бажариш юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат мукофотлари қўмитаси тугатилсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари бўйича кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат мукофотлари қўмитаси тугатилишини ҳамда мазкур қўмитанинг асосий воситалари ва бошқа мулкнинг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги балансига ўтказилишини белгиланган тартибда ташкил қилсин.

4. Ўзбекистон Бадиий академияси уч кун муддатда Давлат мукофоти лауреатлари дипломи, гувоҳномаси ва кўкрак нишонининг энг яхши намунаси учун очиқ танлов эълон қилсин ва икки ой муддат ичида танлов якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклиф тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2007 йилдан бошлаб «Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати» дипломи, фахрий нишони ва унинг гувоҳномасини тайёрлаш, мукофотга тавсия этилган ишларни мустақил экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, Давлат мукофотлари лауреатларига пул мукофотини тўлаш учун республика бюджетидан маблағ ажратилишини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини тўлашга пул маблағларини ажратиш тартиби тўғрисида Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага\* мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазир**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 8 август,  
168-сон

---

\* 3-илова берилмайди.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 8 августдаги 168-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Давлат мукофотларига талабгорлар бўйича  
тавсияномаларни кўриб чиқиш ва  
Давлат мукофотларини бериш бўйича  
таклифлар тайёрлаш  
РЕГЛАМЕНТИ**

**I. Умумий қондалар**

1. Ушбу Регламент Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларига (кейинги ўринларда Давлат мукофотлари деб аталади) талабгорлар бўйича тавсияномаларни қабул қилиш, уларнинг Давлат мукофотларига тақдим этилаётган ишларини кенг муҳокама ва экспертизадан ўтказиш, муҳокама натижалари ва экспертиза хулосалари асосида Давлат мукофотлари бериш бўйича таклифлар тайёрлаш тартибини белгилайди.

2. Давлат мукофотларига талабгорлар бўйича тавсияномалар ва талабгорларнинг тегишли ишларини Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари бўйича кенгаш (кейинги ўринларда Кенгаш) кўриб чиқади.

**II. Кенгаш фаолиятини ташкил қилиш**

**3. Кенгаш:**

Давлат мукофотларига талабгорлар бўйича тавсияномалар қабул қилиш бошланганлигини, ҳужжатларни қабул қилиш муддатлари ва тартибини республика марказий нашрларида мукофот бериладиган йилдан аввалги йилнинг 25 октябригача эълон қилади;

Давлат мукофотларига талабгорларнинг ҳужжатлари эълон чиққан кундан бошлаб уч ой давомида (кечи билан мукофотлар бериладиган йилнинг 25 январигача) ишчи органлар томонидан қабул қилинишини ташкил этади;



қабул қилинган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда Давлат мукофотлари тўғрисидаги Низом деб аталади) талабларига мувофиқлигини кўриб чиқади, Давлат мукофотларига номзодлар рўйхатини шакллантиради ва бу рўйхатни тегишли ишларнинг қисқача тавсифи билан республика марказий нашрларида (кечи билан мукофот бериладиган йилнинг 25 февралига қадар) эълон қилади;

Давлат мукофотларига номзодлар рўйхати эълон қилинган кундан бошлаб уч ой давомида тегишли ишларнинг мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилишини ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали кенг муҳокамасини ташкил қилади;

экспертиза хулосалари ва муҳокама натижаларига кўра Давлат мукофотларини беришга оид тегишли таклиф тайёрлайди ва уни Ўзбекистон Республикаси Президентига (кечи билан мукофот бериладиган йилнинг 25 июлига қадар) тақдим этади;

Кенгашнинг шўъбалари ва ишчи органларига тегишли вазифаларни юклайди;

Давлат мукофотларига тавсияномаларни қабул қилиш ва сақлаш, мукофотларга номзодлар ишларини мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномаларни тасдиқлайди.

4. Кенгаш ва унинг шўъбалари қарорлари баённома билан расмийлаштирилади.

5. Кенгаш аъзолари унинг ишида жамоатчилик асосида иштирок этади.

### **III. Давлат мукофотига тавсияномаларни қабул қилиш**

6. Давлат мукофотларига талабгорлар бўйича тавсияномалар Кенгашнинг ишчи органлари:

фан ва техника соҳасида — Фанлар академияси;

адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳаларида — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан қабул қилинади.

7. Давлат мукофотига талабгор бўйича тавсияномада муаллиф (муаллифлар жамоаси учун — ҳар бир муаллиф)нинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, яшаш манзили, фуқаролиги, ишлаш жойи ёки фаолият тури, илмий даражаси, илмий унвони, фахрий унвони, илмий, ижодий ишлари, адабий, бадий асарларининг эътирофи сифатида унга берилган бошқа мукофот ва совринлар, Давлат мукофотлари тўғрисидаги Низомда белгиланган мезонлар асосида республика фани ва маданиятига қўшган ҳиссасини асословчи маълумотлар келтирилади.

Тавсияномага талабгорларнинг Давлат мукофотига тақдим этилаётган илмий, адабий, бадий, санъат асарларининг ёзма, овозли ёки видео ёзув, тасвир, ҳажмли-фазовий ва бошқа шаклларда чоп этилган нусхалари ва бошқа материаллар илова қилинади.

8. Давлат мукофотларига тавсияномалар ва уларнинг иловаларини ижрочи орган томонидан расмийлаштириш ва сақлаш, зарур ҳолларда муаллифга қайтариш тартиби Кенгаш томонидан тасдиқланадиган йўриқномага мувофиқ белгиланади.

#### **IV. Давлат мукофотларига тавсия қилинаётган талабгорлар ишларини кўриб чиқиш тартиби**

9. Шўба Давлат мукофотига талабгорлар ишларининг Давлат мукофотлари тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқлиги бўйича хулоса чиқаради, саралайди, шу асосда Давлат мукофотларига танловга қўйиладиган номзодлар рўйхатини шакллантиради ва Кенгашга тақдим этади.

Кенгаш шўба томонидан тақдим қилинган рўйхатни кўриб чиқади, тасдиқлайди ҳамда уни ишларнинг номи ва қисқа тавсифи билан матбуотда эълон қилади. Бу эълон билан Давлат мукофотига қўйилган ишларнинг расмий танлови жараёни бошланади.

Давлат мукофоти учун танловга қўйилган ишлар оммавий ахборот воситалари орқали кенг муҳокама қилинади ва айни пайтда Кенгашнинг тегишли шўбаси томонидан экспертизадан ўтказилади.

10. Экспертизанинг мақсади — талабгорнинг илмий, ижодий иши ёки адабий, бадиий, санъат асарининг аҳамиятини, унинг Давлат мукофотлари тўғрисидаги Низомда белгиланган мезонларга мувофиқлигини баҳолашдан иборат.

Экспертизага тегишли соҳадаги етакчи мутасадди ташкилотлар, таниқли олимлар, маданият, адабиёт ва санъат арбоблари жалб қилинади.

Экспертиза натижаси асосланган бўлиши ва унда ишнинг Давлат мукофотига лойиқлиги тўғрисида аниқ хулоса келтирилиши лозим. Хулоса экспертизани ўтказган шахс, агар экспертиза ташкилотда ўтказилган бўлса, унинг раҳбари томонидан имзоланади ва имзо тегишли тартибда тасдиқланади.

Ҳар бир Давлат мукофотига номзоднинг иши бўйича бир-биридан мустақил равишда иккита эксперт хулосаси олинади. Мазкур икки эксперт хулосаси бир-бирига зид бўлса ёки улар асосида якуний хулоса чиқариш мумкин бўлмаса, учинчи эксперт хулосаси олинади.

11. Давлат мукофотига номзодлар ишларининг оммавий ахборот воситалари орқали муҳокамаси билан боғлиқ материаллар (газета ва журнал мақолалари, радиокўрсатув ва телекўрсатув материаллари) Кенгашнинг тегишли ишчи органи томонидан жамлаб борилади ва муҳокама якунлангач, 3 кун ичида Кенгашнинг тегишли шўъбасига тақдим этилади.

12. Кенгаш шўъбаси Давлат мукофотига номзодлар ишлари, олинган хулосалар ва оммавий ахборот воситалари орқали ўтказилган кенг муҳокама натижалари умумлаштирилган батафсил маълумотнома тайёрлайди ва уни шўъба баённомаси билан бирга Кенгашга тақдим этади.

13. Давлат мукофотларини беришга оид тегишли таклиф тайёрлаш бўйича якуний муҳокама Кенгашнинг умумий мажлисида ўтказилади.

Номзодларнинг ишлари ва уларга илова қилинган материаллар мазмуни эркин фикр алмашиш йўли билан ошқора муҳокама қилинади. Бунда Кенгашнинг ҳар бир аъзоси фикр билдириш ҳуқуқига эга. Муҳокама шўъба қарори ва умумлаштирилган маълумотнома асосида амалга оширилади.



Кенгаш мажлисига қадар Кенгаш аъзолари Давлат мукофотларига номзодлар ва уларнинг тегишли ишлари бўйича барча тақдимномалар, уларнинг иловалари, экспертиза хулосалари ва муҳокама натижалари бўйича маълумотнома билан танишиб чиқиши таъминланади.

14. Муҳокама якунларига кўра Кенгаш Давлат мукофотлари тўғрисидаги Низом талаблари асосида ҳар бир соҳа бўйича биринчи ва иккинчи даражали Давлат мукофоти бериш тўғрисида таклиф юзасидан қарор қабул қилади.

15. Давлат мукофотлари танлови голиблари Кенгаш мажлисида очиқ ва номма-ном овоз бериш йўли билан аниқланади.

16. Мажлисда қатнашаётган Кенгаш аъзоларининг учдан икки қисмининг овозини олган номзодгина Давлат мукофоти билан тақдирланишга тавсия этилиши мумкин.

17. Кенгаш қарори Кенгаш раиси тасдиқлайдиган баённома билан расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этилади.

#### **V. Якуний қондалар**

18. Экспертиза натижалари тегишли мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар томонидан ҳам, Кенгаш аъзолари томонидан ҳам ошкор қилинмайди. Кенгашнинг якуний мажлиси қарори ошкор қилинмайди.

19. Кенгашнинг мажлиси Кенгаш аъзоларининг учдан икки қисми қатнашганда ваколатга эга бўлади. Кенгаш қарори аъзолар умумий сонининг ярмидан кўпи овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади.

20. Агар Давлат мукофотига номзодликка Кенгаш аъзосининг иши тавсия қилинган бўлса, унинг муаллифи Кенгаш ишида иштирок этмайди ҳамда Кенгашнинг шу масала юзасидан қарори ва бошқа материаллар билан танишиш ҳуқуқига эга эмас.

21. Давлат мукофотлари беришга тааллуқли Кенгашга киритилган барча материаллар, Кенгаш мажлиси материаллари белгиланган тартибда ҳисобга олинади ва сақланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2006 йил 8 августдаги 168-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг фан ва  
техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги  
Давлат мукофотларини тўлашга пул маблағларини ажратиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини тўлашга пул маблағларини бюджетдан ажратиш ва тўлаш тартибини белгилайди.

2. Биринчи даражали Давлат мукофоти энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорида, иккинчи даражали Давлат мукофоти энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдорида тўланади ва жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиққа тортилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари миқдори ушбу мукофотларни тақдирлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони имзоланган пайтда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб ҳисоблаб ёзилади.

4. Инсонни унинг вафотидан кейин мукофотлаш пайтида мукофотлаш ҳақидаги ҳужжат ва пул мукофоти мукофотланган шахснинг ворисига топширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси «Давлат мукофоти лауреати» дипломи, кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини тайёрлаш, мукофотга тавсия этилган ишларни мустақил экспертизадан ўтказиш ва Давлат мукофотлари лауреатларига пул мукофотини тўлаш билан боғлиқ харажатларни республика бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бюджетни тасдиқлаш пайтида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигида режалаштирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти билан мукофотланган шахслар тўғрисидаги Фармон нусхасини олгандан сўнг, 5 банк куни давомида зарур маблағларни олувчининг номи ёзилган ҳисоб-китоб чекларини Халқ банкининг ёзиб бериш юкланган тегишли бўлимига ҳисоблаб ўтказди.

7. Халқ банкининг тегишли бўлими мукофотлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони нусхасини олгандан сўнг олувчининг номи ёзилган ҳисоб-китоб чекларини ёзиб беришни амалга оширади.

8. Мукофотларни тўлаш олувчининг номи ёзилган ҳисоб-китоб чеклари бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг барча муассасалари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9. Ҳисоб-китоб чеклари товарлар ва хизматларга ҳақ тўлаш учун тақдим этилиши мумкин.

10. Тўланган ҳисоб-китоб чекларига доир харажатларни қоплаш тўланган ҳисоб-китоб чеклари талаблари ва реестрлари асосида ҳисоб-китоб чекларини ёзиб берган Халқ банки бўлими томонидан амалга оширилади.

11. Кўрсатиб ўтилган харажатлар молия органлари томонидан бюджетлар даромадлари ва харажатлари таснифи 201-бўлимининг 69-параграфи 1.9.00-моддасида акс эттирилади.

## МУНДАРИЖА

«Давлат мукофотлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрдаги 176–I-сон Қонуни .....	3
«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини белгилаш ва олий нишон — «Олтин Юлдуз» медалини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майдаги 1038–XII-сон Қонуни .....	8
«Мустақиллик» орденини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майдаги 1040–XII-сон Қонуни .....	13
«Амир Темур» орденини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги 225–I-сон Қонуни .....	19
«Жалолиддин Мангуберди» орденини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 30 августдаги 110–II-сон Қонуни .....	23
«Буюк хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги 254–I-сон Қонуни .....	27
«Эл-юрт хурмати» орденини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августдаги 664–I-сон Қонуни .....	31
«Фидокорона хизматлари учун» орденини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги 526–II-сон Қонуни .....	35
«Меҳнат шухрати» орденини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги 115–I-сон Қонуни .....	39
«Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги 873–XII-сон Қонуни .....	44

«Шон-шараф» орденини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги 116–I-сон Қонуни .....	50
«Дўстлик» орденини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майдаги 1042–XII-сон Қонуни .....	57
«Жасорат» медалини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майдаги 1044–XII-сон Қонуни .....	62
«Содиқ хизматлари учун» медалини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 6 июлдаги ЎРҚ–98-сон Қонуни .....	67
«Шуҳрат» медалини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майдаги 1046–XII-сон Қонуни .....	72
«Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги 226–I-сон Қонуни .....	77
«Собиқ ССР Иттифоқининг мукофотлар Қонунида белгиланган ҳуқуқ ва бурчларни Ўзбекистон Республикаси фуқароларида сақлаб қолиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 7 майдаги ПФ–604-сон Фармони .....	136
«Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медалларини, планкалардаги орден ленталари, медал ленталарини тақиб юриш қоидаларини ҳамда орден ва медаллар ленталарининг тавсифини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 6 апрелдаги ПФ–1095-сон Фармони .....	137
«Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги ПФ–2326-сон Фармони .....	140



«Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлдаги ПФ–3781-сон Фармони ..... 148

«Фахрий унвонлар учун гонорарлар ва қўшимча ҳақ миқдорларини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 июндаги 274-сон қарори ..... 158

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида» 2006 йил 25 июлдаги ПФ–3781-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 8 августдаги 168-сон қарори ..... 162

**Қайдлар учун**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ**

*(Қонун ҳужжатлари)*

**Расмий нашр**

**Нашр учун масъул:** М. Икрамов

**Нашрга тайёрловчи:** А. Ўралов

**Масъул муҳаррир:** И. Ҳотамбоев  
**Муҳаррир:** М. Сатторов  
**Техник муҳаррир:** Д. Исамуҳамедова

**Компьютерда  
саҳифаловчилар:** Ш. Курбонбоев,  
Ж. Жабборов,  
А. Кенжабоев

**Мусахҳиҳ:** М. Тўхташева

**Китоб оригинал макети «HUQUQ va BURCH» ижтимоий-  
ҳуқуқий журнали компьютер марказида тайёрланди.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, 100073, Сайилтоҳ кўчаси, 5-уй.**

**Босишга рухсат этилди 16.10.2007 й. Бичими 84x108<sup>1/32</sup>..  
Офсет босма усули. Босма табоғи 11,0. Адади 5000 нусха.  
698-буюртма. Нархи шартнома асосида.**

**«Мах-Print» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй**